

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

# АХБОРОТНОМАСИ

№ 2/2024

Тошкент – 2024

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ**

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

<p align="center"><b>Бош муҳаррир:</b> <b>Олимжон АХМЕДОВ</b></p>	<p align="center"><b>Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти</b></p>
<p align="center"><b>Жамоатчилик Кенгаши таркиби:</b> <b>Нуриддин НОРМАТОВ</b> <b>Баҳодир МАТЛЮБОВ</b> <b>Азизбек ИКРАМОВ</b> <b>Умидбек НУРУЛЛАЕВ</b></p>	<p align="center"><b>2024 йил – ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ</b></p> <p>Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади.</p> <p>Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.</p> <p>Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак.</p>
<p align="center"><b>Ҳайъат аъзолари:</b> <b>Олимжон АХМЕДОВ</b> <b>Улуғбек РАСУЛЕВ</b> <b>Карим НОРМАТОВ</b> <b>Нуъмон АЗИЗОВ</b> <b>Фарҳод ХАТАМОВ</b> <b>Музаффар ТОЖИБОЕВ</b> <b>Рустам ТУЛЬТЕЕВ</b> <b>Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ</b> <b>Эркин МАРУПОВ</b></p>	<p align="center">***</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.</p>
<p align="center"><b>Таҳририят:</b> <b>Масъул муҳаррир:</b> <b>Карим НОРМАТОВ</b> <b>Мусахҳих:</b> <b>Рўзибуви ҚУРБОНОВА</b> <b>Саҳифаловчи:</b> <b>Маъруф РАҲМОНОВ</b></p>	<div style="border: 1px solid black; padding: 10px;"> <p align="center">Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириш институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2024 йил 28 июндаги ОАК Раёсатининг 356/5-сон қарорига асосан юридик ва тарих, сиёсий ва фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий илмий наирлар рўйхатига киритилганлигини маълум қилади.</p> </div>

*Долзарб мавзу***БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ**

Жорий йилнинг иккинчи квартали, ҳар йилгидек баҳор ва ёз ойлари мусаффо ва соф осмонимизда осойишта ва тинч-тотувликда ўтаётганлиги ҳамда янги Ўзбекистон аҳлини қувонтирди. Апрель ойи хазрат Амир Темур таваллуд топган (9) қутлуғ кун сифатида қайд қилинса, шу ойда халқона ва суюкли шоиримиз Муҳаммад Юсуф дунёга келганлиги (26) ҳар биримизни қувонч ва севинчга тўлдиради. Бу эса нафақат икки улуғ шахснинг ва яна кўплаб алломаларнинг туғилган ойи бўлиб, мамлакатда шу ойда 850 минг нафар фарзандлар дунёга келди.

Айни пайтда ўзбек халқи бу сулув ва навқирон баҳорнинг энг гуллаган чоғида юртдошларимиз бунёдкорлик ишларини олиб бораётганлигининг ўзи катта қувонч ва шодлик келтиради. Бир йил олдин ўттизинчи апрелда Асосий Қонунимиз янгиланган ҳолда референдум орқали тасдиқланиши катта сиёсий-ҳуқуқий воқеага айланди.

Дарҳақиқат, май ойи Бутунжаҳон халқларининг бирдамлик куни (1) ҳамда 9-чи май Хотира ва Қадрлаш, эъзозлаш куни сифатида қайд қилинди. Айтиш жоизки, май ўз-ўзидан баҳорнинг дилбар ойига айланган.

Муҳтарам Президентимиз йигирма еттинчи июнь куни – Матбуот ва журналистлар байрамида қайд қилдилар: *“Бугунги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат “тўртинчи ҳокимият”, балки мудофаа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда.”*

Очиғини айтганда, шу ойнинг охири кунини муҳтарам Президентимиз Ёшлар куни деб эълон қилган эдилар: **“Бизнинг қандай истеъдодли, билимли ва матонатли ёшларимиз бор! “Янги Ўзбекистон ёшлари” деган шарафли номга муносиб ҳар томонлама бўлган бундай йигит ва қизлар бизнинг бебаҳо бойлигимиз, олтин фондимиздир”.**

Шундай қилиб, муборак ва қутлуғ иккинчи квартал якунига кўра, бизнинг олий ҳарбий ўқув даргоҳимиз самарали фаолияти билан якунл:

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

### **Азиз ватандошлар, муҳтарам фахрийлар!**

Бугунги шонли байрам – 9 май – Хотира ва кадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан мўътабар фахрийларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Ушбу кутлуғ кунда инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушда жасорат кўрсатиб, башариятни фашизм балосидан сақлаб қолган қаҳрамон ота-боболаримиз ҳамда фронт ортида мардона меҳнат қилиб, ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшган мард ва олижаноб юртдошларимиз хотирасига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтирамиз.

Жанг майдонларидан омон қайтиб, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилган, бугунги кунда эзгу дуолари билан ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлиб келаётган кадрли уруш ва меҳнат фахрийларига чексиз ташаккуримизни изҳор этамиз.

Айни вақтда мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳамда ўз хизмат бурчини адо этиш йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасини миннатдорлик билан эсга оламиз.

### **Кадрли дўстлар!**

Бугун барча шаҳар ва қишлоқларимизда ўтказилаётган тадбирларда бу мудҳиш уруш эл-юртимиз учун қандай мислсиз талафот ва мусибатлар олиб келганини яна бир бор ёдга олишимиз табиийдир. Ўша оғир йилларда фронтга сафарбар этилган 1 миллион 950 мингдан зиёд ўзбекистонлик жангчилардан 538 мингдан кўпроғи ҳалок бўлгани, 158 мингдан ортиғи бедарак йўқолгани, 870 мингдан ошиғи турли жароҳатлар олгани, 60 минг нафардан зиёди эса ногирон бўлиб қайтгани бу ғалаба биз учун нақадар қимматга тушганини яққол кўрсатиб турибди. Ана шу қирғинбарот уруш халқимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатни, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон унутиб бўлмайди.

Уруш даврида 214 минг аскар ва офицерларимиз жанговар орден ва медаллар билан тақдирлангани, уларнинг 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, 70 нафари учала даражадаги “Слава” (“Шухрат”)

орденига сазовор бўлгани биз учун, ҳеч шубҳасиз, буюк ғалабанинг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Метин иродали халқимиз ўша таҳликали йилларда фронт ортида сабот ва матонат билан меҳнат қилди. Саноат корхоналарининг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Уруш алангаси ичида қолган ҳудудлардан мамлакатимизга 170 дан ортиқ завод ва фабрика кўчириб келтирилди ва қисқа муддатда уларнинг фаолияти қайта тикланди. Эл-юртимиз фронт учун жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берди.

Ўзбекистон аҳолиси 1941-1943 йилларда мудофаа фондига 475 миллион рублдан ортиқ маблағни, 22 миллион рубллик қимматбаҳо шахсий буюмларини ихтиёрий равишда топширгани ғалабани яқинлаштиришга яна бир муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Халқимиз юксак одамийлик фазилатини намоён этиб, уруш ҳудудларидан эвакуация қилинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонга бошпана берди. Ота-онасидан жудо бўлган 250 минг нафар етим болаларга меҳр-оқибат кўрсатиб, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

### **Азиз ватандошлар!**

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида халқимиз жасоратининг тимсоли сифатида бунёд қилинган мухташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси қисқа вақт ичида қутлуғ қадамжого айланди.

Шу кунгача бу ерга 2 миллион 200 минг нафардан зиёд зиёратчи ташриф буюриб, уни катта қизиқиш ва эътибор билан томоша қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мажмуа жамоаси томонидан элликка яқин китоб-альбом ва монографиялар, ноёб ҳужжатлар тўпламлари яратилиб, ҳозирга қадар номаълум бўлган юзлаб тарихий фактлар аниқланиб, жамоатчиликка етказилди.

“Бобомни излайман” лойиҳаси доирасида урушда иштирок этган 2 миллион нафарга яқин ватандошларимиз рўйхати шакллантирилди. Юртдошларимиздан келиб тушган 300 дан зиёд мурожаатлар бўйича урушда бедарак кетган 200 нафар жангчининг тақдирига оид муҳим маълумотлар тўпланди.

### **Мухтарам дўстлар!**

Бугунги байрам муносабати билан жонажон Ўзбекистонимизда хотира маросимлари, турли маданий-маърифий тадбирлар, “уч авлод учрашувлари” ўтказилмоқда. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар,

ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оила аъзоларига табрик ва совғалар топширишга бағишланган маросимлар тантанали вазиятда ўтказилмоқда.

Мухтарам уруш фахрийлари халқимизнинг доимий эътибори ва эъзозида бўлиб келмоқдалар. Жумладан, ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, истиқлолимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг уй-жойлари таъмирланиб, обод қилинмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига патронаж хизмати ва зарур тиббий муолажалар кўрсатилмоқда. Улар ўз хоҳишларига кўра санаторийларда даволанмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, биз бугунги озод ва эркин ҳаёт учун азиз жонини аямасдан курашган бундай улуғ инсонлар олдида доимо қарздормиз, улар учун бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз.

Ҳозирги ғоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва аҳилликни асрашдек ўта муҳим вазифаларни бажаришда қаҳрамон фахрийларимизнинг жасорати, шонли анъаналари биз учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Биз улардан руҳ ва куч олиб, Ватан ҳимоячилари, тинчлик посбонлари, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлишдек юксак бурчимизни албатта шараф билан адо этамиз.

### **Азиз ва мухтарам юртдошлар!**

Сиз, азизларни бугунги улуғ айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

**Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президент  
ЎЗА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

### Қадрли ўғил-қизларим!

Сиз, азизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ айём – Ёшлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз ўз олдимизга қўйган улкан мақсадларимиз ижобатини, Янги Ўзбекистон келажагини бутун эл-юртимиз қатори сиздек азму шижоатли фарзандларимиз билан боғлиқ ҳолда кўрамиз. Шу боис, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, сўнгги йилларда юртимизда ёшлар билан ишлаш бўйича дунёда ўхшаши кам бўлган вертикал бошқарув тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Бу эса маҳаллалардаги Президент вакиллари бўлган ёшлар етакчилари орқали қанча-қанча йигит-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ кўплаб масалаларни қуйи бўғиннинг ўзида ҳал этиш имконини бермоқда.

Айниқса, “Ёшлар дафтари”, “Ёшлар баланси” платформаси асосида олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз натижасини ўғил-қизларимиз ўз ҳаётида аниқ ҳис этмоқда.

Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш бўйича жорий этилган янги тизим туфайли бу йилнинг ўзида “маҳалла еттилиги” тавсияси билан 156 минг ёшга 60 минг гектар ер майдони 30 йил муддатга ижарага берилгани ҳам шу йўлдаги муҳим қадамдир.

Албатта, ёшларнинг мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, турли соҳаларда муҳим ютуқларга эришаётгани барчамизни хурсанд қилади. Биргина ўтган ўқув йилида мактаб ўқувчиларимиздан 55 нафари математика, кимё, биология, физика ва информатика фанлари бўйича нуфузли халқаро олимпиадаларда 8 та олтин, 15 та кумуш, 32 та бронза медалини, маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро танловларда эса ёшларимизнинг 383 нафари бош совринни, 1 минг 359 нафари 1-ўринни қўлга киритди.

Яқинда Қатарда бўлиб ўтган футбол бўйича Осиё кубоги ўйинларида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси мамлакатимиз тарихида илк бор Олимпиада йўлланмасини қўлга киритгани ҳам барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

**Мана, бизнинг қандай истеъдодли, билимли ва матонатли ёшларимиз бор! “Янги Ўзбекистон ёшлари” деган шарафли номга ҳар**



**томонлама муносиб бўлган бундай йигит-қизлар бизнинг бебаҳо бойлигимиз, олтин фондимиздир.**

**Қадрли навқирон дўстларим!**

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар дунё миқёсида тан олинмоқда. Ўтган йили Ёшлар тараққиёти индексига кўра, Ўзбекистон ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири, деб эътироф этилгани ҳам шундан далолат беради. Шунингдек, БМТ томонидан “Ёшлар стратегияси – 2030”ни намунавий тарзда амалга ошириш бўйича танлаб олинган 10 та мамлакатдан бири айнан Ўзбекистондир. 2022 йилда Бухоро шаҳри – Туркий дунё ёшлари пойтахти, 2024 йилда эса азим Тошкентимиз – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақасида биринчи ёшлар пойтахти деб эълон қилинди.

Шу кунларда мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган Бутунжаҳон ёшлар фестивали ҳам Ўзбекистонга бўлган юксак эътибор намунаси, десак, тўғри бўлади. Ушбу анжуманда 92 та мамлакатдан 700 нафардан зиёд чет эллик ёшлар, 20 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг вазирлик ва идораларидан раҳбар ва масъул ходимлар иштирок этмоқда. Энг муҳими, юртимиз ёшларининг бутун дунёда дўстлари, ҳамкорлари кўпаймоқда, билим ва касб ўрганиш, глобал мулоқот ва алмашувларда иштирок этиш имкониятлари кенгаймоқда.

**Азиз ўғил-қизларим!**

Фарзандлари билимли, истеъдодли, ўзининг кучи ва салоҳиятига ишониб, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг истиқболи албатта ёруғ бўлади. Биз Ўзбекистон ёшларини ана шундай эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялаш учун бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Ҳеч қачон унутманг, сизлар ёшликнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, доимо бунёдкорлик ва ижодкорлик ҳисси билан, Ватанга чексиз меҳр ва садоқат туйғуси билан яшасангиз албатта кам бўлмайсиз.

Сизларни бугунги байрам билан яна бир бор табриклаб, ўз олдингизга қўйган мақсадларга эришишда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, омад ва зафарлар тилайман.

**Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ўғил-қизларим!**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ЎЗА.**



*Илмий мақолалар*

**Жалолиддин ДЖУМАБОЕВ,**  
*Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик  
цикли катта ўқитувчиси, доцент, подполковник*

**ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КУРСАНТЛАР ВА  
ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА  
ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ҳозирги пайтда дунёдаги ривожланган давлатлар халқаро рақобат шартларига кириб бораётганида, ижтимоий муносабатларнинг ёшларни юксак маънавий ахлоқли, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммолари илмий тадқиқ қилиш масалаларида етакчилик қилмоқда. Бу борада интенсив ривожланаётган давлатимиз тараққиётнинг ҳар томонлама мувозанатли кечиши учун жиддий қадамлар қўймоқда.

*“Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”, дея таъкидлаган эди Президентимиз”<sup>1</sup>.*

Бугун Янги Ўзбекистоннинг жаҳондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш, самарали ташқи ва ички сиёсат юритиш мутахассислар зиммасига ҳар қачонгидан-да масъулиятли вазифалар юкламоқда. Бундай мураккаб вазифаларни самарали бажариш сифатли таълим олаётган, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядиган малакали миллий кадрларга боғлиқ. Шунингдек, ҳарбийлашган таълим муассасаларида тингловчи (курсант)ларни мафкуравий таҳдидлардан асраш, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш каби ижтимоий масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ижтимоий зарурат ҳарбий таълим тизимида

<sup>1</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқидан. <https://uza.uz/posts/56188>.

ватанпарварликка янгича қараш, муносабат, атрибутни тақозо этиши, илмий тадқиқотлар кўлами тингловчи (курсант)ларда ватанпарварлик тарбиясини ривожлантириш муаммосининг ёритилишига эҳтиёж пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг, *“Буюк тарихимиз, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуг аждодларимизнинг саркардалик маҳорати ва дунё ҳарбий санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда уларнинг қўшинлардаги лашкарбошиларнинг садоқати ва мардлигини шахсий таркиб ўртасида кенг тарғиб этиш лозим”*, деган фикрларини эслатиш жоиз.

Ватанимизнинг мустақиллиги йилларида тарихий тараққиёт босқичларида кўлга киритилган ютуқ ва ғалабаларимизни мустаҳкамлаш ҳамда зарур бўлса, ҳимоя қилиш келгуси авлодлар зиммасига тушади. Шундай экан, тингловчи (курсант)ларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълим тизими олдида ҳамisha долзарб вазифа бўлиб туриши табиий ҳолдир. **“Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”**, деди Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида. Демак, соҳада бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия муассасаларида мавжуд муаммоларни ўқитувчилар билан биргаликда ҳал қилиш, умуман, таълим сифатини ҳар томонлама яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва бир-биримизга кўмаклашишимиз жуда муҳим. Бундай масъулиятли ишда таълим муассасасининг ҳар бири ходими фаол иштирок этиши ва барча имкониятларини сафарбар этиши лозим.

Мамлакатимизда тингловчи (курсант)ларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли мутахассис кадрларни етиштириш учун замин яратмоқда.

“Ватанпарварлик (юнонча патриотес – ватандош, патрис – ватан) – туғилиб ўсган юрт, ватанга муҳаббат, садоқат, ўз хатти-ҳаракатлари билан унинг равнақи учун хизмат қилиш, Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту-саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишни ифода этадиган ижтимоий ҳамда маънавий-ахлоқий фазилатларни

англатади<sup>2</sup>. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ватанпарварлик атамасининг луғавий маъноси қуйидагича изоҳланади: “Ватанпарвар (ғамхўрлик қилувчи) ўз ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи” деган маънода келади<sup>3</sup>. Ватанпарварлик кўп маъноли сўз бўлиб, тарихий, маънавий, ижтимоий, сиёсий, маданий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, янгича маъно-мазмун билан бойиб, ривожланиб келмоқда.

Тингловчи (курсант)ларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларда юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган, фидоий ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш сингари вазифалар белгиланган. Бу борада тингловчи (курсант)ларда ватанпарварлик даражасини таълим тизимида таҳлил қилиш ва амалиётини ривожлантириш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ватанпарварлик туйғусини такомиллаштирувчи индикаторлар сифатида:

– инсоннинг ўз миллий анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат билан қараиш;

– ватан тараққиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўйиши, унинг ҳақиқий жонкуяри бўлиши;

– она-Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати билан яшаш;

– ватан тараққиёти, миллат обрўсига обрў қўйиши, унга фойда келтириши;

– фидоийлик, ҳалоллик билан меҳнат қилиши;

– халқнинг шон-шухрати ва манфаатини ўйлаш кабилар олинади.

Мазкур самарадорлик индикаторларининг йиғиндиси ҳам ватанпарварлик тушунчасининг кенг қамровли эканлигининг ёрқин далилидир. Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш жоизки, ватанпарварлик – бу ўз шахсий манфаатларини Ватан ва унда истиқомат қилувчи халқ манфаатлари билан уйғунликда кўра олиш, Ватан равнақи йўлида камарбаста бўлиш, Ватан истиқболи учун керак бўлса ўз жонини тикишдир.

Ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги тарбия – Ўзбекистон Республикаси халқида, айниқса ёшларида ўз мамлакати билан фахрланиш туйғуси ва мустақил Ватанини ҳимоя қилиш қобилиятини шакллантиришдир. Сиёсий ва ахлоқий тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, ғоявий-назарий асоси –

<sup>2</sup> “Ватанга бўлган муҳаббат” номли мақола. <https://mehrob.uz/article/65>.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. <https://ziyouz.uz> > uzbek-tili.

Ватан хавфсизлиги учун фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаб етишдир<sup>4</sup>.

Ўзга миллатлар олдида ўз Ватанининг кадрланиши ва халқининг эъозланиши учун ҳарбий таълим тизимидаги тингловчи (курсант)ларда ўз халқига садоқатлилиқ, унинг истиқболи, манфаати йўлида фидойилиқ кўрсатиш, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш ва шунга шай туриш каби сифатларни камол топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ватанпарварлик тарбиясининг асосини миллатини, халқини ҳамда миллий ўзлигини англашни қарор топтириш ташкил этади. Ўтмиш мутафаккирларининг қарашлари, бой маънавий мероси, ғоялари бугунги авлод учун дастуриламал вазифасини ўтайди. Алломалар, халқ қахрамонлари ҳаётини ўрганиш шахснинг инсон сифатида ким эканлигини англаб етишига ёрдам беради.

Ватанпарварлик тарбиясининг асосий мақсади – тингловчи (курсант)ларни жамият талабларига, давлатнинг қонун-қоидаларига, миллий урф-одатларимиз ва кадриятларимизга чуқур ҳурмат-эҳтиромли бўлишга ўргатишдир.

Ватанпарварлик тарбияси негизида халқ ўтмиши, тарихини ўрганиш, миллий кадриятлар моҳиятини англашга йўналтирилган фаолиятта таълим олувчиларни жалб этиш мақсади ётади.

Таълим нафақат давлатнинг, балки бутун халқнинг диққат марказида бўлсагина сифат ва самарадорликка эришиш мумкин.

*Биринчидан*, бу масалага ота-оналар ва мактаб педагоглари жамоаларининг эътиборини ошириш даркор. Чунки мактабда миллат келажаги тарбияланади. Ўқувчиларни қуйи синфлардан бошлаб миллий ўзлгимиз ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бой тарихий меросимизни ўргатиш асосида уларда мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳиссини, юксак ҳарбий-ватанпарварлик ва ҳарбий касбга қизиқишни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

*Иккинчидан*, махсус мактаб-интернат ва лицейлар битирувчиларига алоҳида урғу берилиши бежиз эмас. Махсус мактаб-интернат ва лицейларда, шунингдек, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида “академия гуруҳлари”ни ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Улардаги ўқувчилар орасидан ҳарбий касбни танлаганлар танлов орқали қабул қилинади. Бу уларнинг академик таълимдаги ўқиш ва ўзлаштиришдаги натижадорлигига улкан имконият яратади.

Давлатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин,

<sup>4</sup> Ҳарбий атамаларнинг янги изоҳли луғати. 2020 йил. Т. ҚК Академияси. Б. 291.

лекин маънавий ва ахлоқий-руҳий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун сифат жиҳатидан маънавий-маърифий ва жанговар тайёргарликни амалга оширишга қаратилган ҳамда амалиёт билан боғланган таълим тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Тингловчи (курсант)ларда миллий ғурур ва жанговар руҳни тарбиялаш, уларнинг жисмоний ва интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадида тарих ва миллий ҳарбий мерос, миллий мусиқа ва чолғу, бахшичилик, рассомлик, ҳарбий журналистика, шахмат, “Заковат” клуби, миллий кураш, ўзбек жанг санъати, қўл ва пичоқ жанги, сузиш, бокс, тош кўтариш, енгил атлетика, шунингдек, инсон жисмоний такомиллашувининг замонавий усуллари ўзида мужассам этган кроссфит тўғараклари ташкил этилган.

Истикболли режалар ва туб демократик ислоҳотлар ватанпарварлик тарбиясини янгича қарашлар ва ёндашувлар асосида олиб боришни тақозо этмоқда. Хусусан, тингловчи (курсант)ларнинг онгу тафаккури ва қалбида ватанпарварлик туйғуларни шакллантириш амалиётида “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс сари”, “Армия ва халқ – бир тану бир жондир”, “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий”, “Ҳар бир нуруний – беш нафар ёшга мураббий”, “Бир болага етти маҳалла – ота-она”, “Жаҳолатга қарши маърифат, ғояга қарши – ғоя билан курашиш”, “Биз ғурури, орияти, маънавияти баланд халқмиз”, “Янги Ўзбекистон – маърифатпарвар давлат”, “Буюк саркардаларимизнинг жасорати ва ҳарбий мероси”, “Маърифат ва диний бағрикенглик”, “Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ – чин вазифангиздир”, “Инсон қадри учун” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришдан бошлаб, миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини такомиллаштиришга кўпроқ эътибор қаратмоғимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, тингловчи (курсант)ларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мафкуравий иммунитетни кучайтириш, уларни турли ёт ғоя ва таҳдидлардан асраш, ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш энг асосий мақсадлардан бирига айланмоғи лозим. Бу мақсадларга эришишда:

- ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;
- жисмонан бақувват ва маънан етук, ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш;

– турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

– ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш;

Шу сабабли биз ватанпарлик борасида юксак натижага эришсак, жамиятда ватанпарвар ва фидойи инсонлар кўпаяди, бўлажак ходимлар онгидаги ғоявий бўшлиғида жой қолдирмаслик керак, шу сабабли ходимларни онгига ватанпарварлик ғоясини сингдириш ҳамда уларнинг маънавий иммунитетини ривожлантиришимиз керак, акс ҳолда ёт ғоялар билан бошқа “кучлар” ўз мафкурасини сингдириши мумкин?!

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ҳарбий таълим тизими учун долзарб бўлган ватанпарварлик тарбияси масалалари ёритилган. Хусусан, ёшларда ватанпарварлик туйғусини янада такомиллаштиришга қаратилган махсус индикаторлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар мамлакат тараққиёти йўлида баркамол авлодни етиштиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилган.

\*\*\*\*\*

В данной статье рассмотрены вопросы патриотического воспитания, актуальные для системы военного образования. В частности, были разработаны специальные индикаторы, направленные на повышение чувства патриотизма у молодежи, и было отмечено, что они имеют большое значение в развитии молодой поколения страны.

\*\*\*\*\*

This article covers the issues of patriotic education that are relevant for the military education system. In particular, special indicators aimed at further improving the sense of patriotism among young people have been developed, and it has been emphasized that it is of great importance in the development of a mature generation in the country's development.



**Ўткирбек ОТАЕВ,**  
*Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети*  
*Махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси, подполковник*

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХУҚУҚ ТИЗИМИДА ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИГА АМАЛ ҚИЛИШ ДОИРАСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги мамлакатнинг асосий жиноят-ҳуқуқий ҳужжати бўлган Жиноят кодексидан иборатдир. У Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига асосланади. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади<sup>5</sup>”.

Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, халқаро шартномаларнинг ўз қоидалари ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан тартибга солинади. “Конституциянинг 15-моддасига кўра, қонун ҳужжатларига асосан халқаро шартнома Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинганлиги ёхуд кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари ўтказилганлигига, шунингдек, қўшимча шартлар қўйилганлигига эътибор қаратиши лозим. Шу билан бирга, ишларнинг кўриб чиқилишида халқаро шартнома нормалари қўлланилган ҳолларда қарорнинг асослантурувчи қисмида ушбу халқаро шартнома нормаларига ҳавола қилиниши лозим<sup>6</sup>”.

Халқаро шартномани қўллашдан олдин унинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Ратификация қилиш давлатнинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга розилигини тасдиқлайди. Халқаро шартномани ратификация қилишдан ташқари, унинг кучга кириши ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.06.2023 йилдаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сон қарори.



қўлланилиши учун миллий қонунчиликка мувофиқ бошқа ички тартиб-қоидалар ҳам талаб қилиниши мумкин. Айрим ҳолларда давлат халқаро шартномаларни миллий даражада қабул қилишда истиснолар киритади, бу эса уларнинг таъсирини ёки қўлланилишини ўзгартиради. Шу сабабли, бундай шартномани қўллашда унинг мазмунини ва шартларини ҳисобга олиш керак. Ана шу омилларни инобатга олган ҳолда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тегишли халқаро шартномалар ва уларнинг аниқ жинойт ишлари бўйича қўлланилишини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда кўплаб давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам жинойтларнинг алоҳида турларига қарши курашиш бўйича халқаро конвенцияларни ратификация қилиш амалиётига фаол қатнашмоқда. Бу халқаро миқёсда трансмиллий жинойтчиликка қарши курашишда қонунийлик ва тартиботни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг муҳим қисмидир.

Халқаро шартномани фақат қонун билан тасдиқлаш, унинг қоидаларини бевосита судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланиладиган ва амал қиладиган қоидаларга айлантирмайди. Бинобарин, халқаро шартнома қоидалари жинойт қонунчилигининг бир қисмига айланиши учун улар тегишли ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш орқали Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодексига киритилиши керак. Халқаро шартнома қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексига киритиш, одатда махсус тартибни талаб қилади, бунинг натижасида ушбу қоидалар миллий қонунчиликнинг бир қисмига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Жинойт қонунчилигининг ҳуқуқий табиатига кўра, кодекс нормаларида жинойт ҳаракатлар, жинойт таъқиб қилиш тартиб-таомиллари ва жазолар белгиланиши зарурлигини кўрсатади. Жинойт кодексининг 4-моддаси 1-қисмига асосан “Содир этилган қилмишнинг жинойлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жинойт кодекси билан белгиланади”. Демак Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси нормаларига бевосита ҳавола қилиниб, қилмишнинг жинойлигини ва унинг жазоланишини аниқлаш мумкин эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро конвенцияни ратификация қилди дейлик, унда коррупция жинойти таърифи ва бундай жинойтлар учун жазо чоралари бўйича тавсиялар мавжуд. Гарчи ушбу конвенция ратификация қилинганидан кейин, у Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларининг бир қисми бўлиб қолса-да, унинг қоидалари мамлакат жинойт қонунчилигида автоматик равишда қўлланилмайди. Шундай қилиб, суд коррупция

жинояти тўғрисидаги ишни кўриш, ушбу жиноятни квалификация қилиш ва жазо белгилашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига (масалан, ЖКнинг 210-моддаси) таянади. Бу шуни англатадики, суд жиноятга оид ишларни кўриб чиқишда, фақат миллий жиноят қонунчилигида тўғридан-тўғри назарда тутилган қоидалардан фойдаланишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этилишига қатъий ҳуқуқий баҳо бериш, фақат унинг Жиноят кодексига мустаҳкамланган нормаларига асосланади. Жиноят кодекси бўйича, содир этилган жиноятга ҳуқуқий баҳо беришда, унинг амал қилиш доирасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вақт бўйича, макон бўйича ва шахслар доираси бўйича амал қилади<sup>3,7</sup>. Жиноят қонунида ҳам унинг нормалари қўлланиладиган вақт ва ҳудудий доирани белгилаш асосий масалалардан бири бўлиб, у жамиятда самарали ҳуқуқий тизим ва адолатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддасида жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши чегаралари кўрсатилган. Жиноят кодексининг вақт бўйича амал қилиши, қилмишнинг жиноийлиги ва унинг жазоланиши, қилмиш содир этилган пайтда амалда бўлган жиноят қонуни билан белгиланиши тамойилига асосланади.

Жиноят кодексига жиноят содир этилган вақт, жиноят содир этилган пайтдан ёки унинг оқибатларининг бошланишидан келиб чиқиб, кодекснинг муайян моддасида қандай назарда тутилганлигига қараб белгиланади. Агар моддада жиноятнинг муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган пайтда тугаши кўрсатилган бўлса, бу вақт жиноят содир этилган вақт ҳисобланади. Жиноят муайян оқибатларнинг келиб чиқиши билан яқунланган тақдирда, ушбу оқибатлар содир бўлган пайт, жиноят содир этилган вақт сифатида белгиланади. Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи тўғрисидаги қоида қонуннинг вақт бўйича амал қилишининг асосий қоидасини тўлдирди.

Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи учта ҳолатда қўлланилади:

1. **Қилмишининг жиноийлигини олиб ташлаш:** Агар янги жиноят қонуни илгари жиноят деб ҳисобланган қилмишнинг жиноийлигини олиб ташласа, у ҳолда бундай қилмиш жиноят ҳисобланмайди.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 42-44-моддалари. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

2. **Жазони енгиллаштириш:** Агар янги жиноят қонунида муайян жиноят учун аввалги қонунга нисбатан енгилроқ жазо назарда тутилган бўлса, у ҳолда янги, енгилроқ жазо қўлланилади.

3. **Жиноят содир этган шахснинг аҳволини бошқатдан яхшиланиши:** Агар янги қонунда жиноят содир этган шахснинг аҳволини яхшилайдиган ҳар қандай ўзгартиришлар, масалан, жиноят учун даъво муддатини қисқартириш ёки бошқа имтиёзли шарт-шароитларни белгилаш назарда тутилган бўлса, у ҳолда ушбу шахс фойдасига янги қонун қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг амал қилиш доирасини аниқлаш бир нечта тамойилларга асосланади. Буларга, ҳудудийлик, фуқаролик, универсал, дипломатик иммунитетлар ва экстрадиция тамойиллари киради.

Ҳудудийлик тамойили давлат юрисдикциясини ўз ҳудудида содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланилишини белгилайди. Фуқаролик тамойили давлат фуқароларининг бошқа мамлакатларда содир этган жиноятлари учун жинойий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини англатади. Универсал тамойил бир неча давлатлар ёки халқаро ҳамжамият манфаатларига дахлдор жиноятлар содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш имконини беради. Дипломатик иммунитет тамойили хорижий давлат ҳудудида жойлашган дипломатик ходимлар, одатда ушбу давлатнинг жинойий ва фуқаролик юрисдикциясидан маълум иммунитетга эга эканлигини асослайди. Экстрадиция - жиноят содир этишда айбланаётган ёки судланган шахсни бир давлатдан бошқа давлатга бериш жараёнидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 11-моддаси 1-қисмида қонуннинг маконда амал қилишининг ҳудудийлик тамойили белгиланган. Бу тамойил давлат суверенитетининг ҳудудий моҳиятини ва ҳокимият устунлигини ифодалайди. Унга кўра, жиноят қонуни Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади ва унинг нормалари жиноят содир этган шахснинг фуқаролигидан қатъий назар, ушбу ҳудудда содир этилган барча ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади. Ҳудудийлик тамойили давлат юрисдикциясининг муҳимлигини таъкидлайди ва қонунларни бутун мамлакатда бажарилишини таъминлайди. Жиноят қонунини, жиноят содир этилган давлат ҳудудида кенгайтиришнинг асоси шуки, ўша давлат ҳудудида содир этилган жиноят, жамиятнинг миллий манфаатлари ва хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун бундай жиноятларга ушбу давлатнинг жиноят қонуни қўлланилади.

Жиноят қонунинг амал қилиш ҳудудий доираси – бу, қонунлар маълум бир ҳудудда шахсларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи қоидалар ва нормаларни ўрнатадиган ҳуқуқий макондир. Бу макон шахсларни жамиятга бирлаштиради ва хулқ-атвор нормаларини бузганлик учун давлат олдида жавобгарликни белгилайди. Шахсни давлатга мансублиги, уни жамиятга киритиш учун асос бўлиб, ундаги ўрни ва ролини белгилайди. Давлатга мансублиги орқали ижтимоий жамиятга киритилган шахс ушбу жамиятнинг жиноят қонунчилигини бузган тақдирда, у айнан шу жиноят қонунига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Фикримизча, фуқаролар ўз давлатининг жиноят қонунчилигига риоя қилишга мажбурдирлар. Бу мажбурият давлатнинг уюшган ҳамжамият сифатида фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликларни тақдим этиши, бунинг эвазига уларнинг белгиланган қоидалар ва нормаларга риоя этилишини кутиши билан боғлиқ. Ушбу норма ва қоидалар бузилган тақдирда, давлат фуқаролардан ўз қилмишлари учун ҳисобот ва жавоб беришни талаб қилишга ҳақли.

Чет эллик шахсларнинг, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ушбу давлатларнинг қонунларига риоя қилиш зарурати кўзда тутилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеянинг 1985 йил 13 декабрдаги 40/144 резолюсияси билан қабул қилинган “Улар истиқомат қилаётган мамлакатнинг фуқароси бўлмаган, бошқа шахсларга нисбатан инсон ҳуқуқлари декларацияси”нинг 4-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра “Чет элликлар ўзлари яшаётган ёки жойлашган давлат қонунларига риоя қилишлари, шу давлат халқининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишлари шарт”<sup>8</sup>.

Яшаш жойидаги давлатга нисбатан ҳуқуқий мажбуриятларнинг мавжудлиги тамойили БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 29-моддасида “ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир” деб мустаҳкамланган<sup>9</sup>.

Вақтинчалик ёки доимий равишда бошқа давлат ҳудудида жойлашган чет эл фуқаролари тўғридан-тўғри шу давлатнинг турли ижтимоий муносабатларига киришади. Бундай муносабатларга киришаётганда улар ўша давлат қонунлари ва қоидаларига риоя қилишлари шарт. Шунинг учун жиноят қонунчилиги бузилган тақдирда, улар ушбу давлат қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Уларнинг салбий хатти-

<sup>4</sup> Декларация о правах человека в отношении лиц, не являющихся гражданами страны, в которой они проживают. От 13 декабря 1985 года.

<sup>5</sup> “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” БМТ Бош Ассамблеясининг 217 А (III) Резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган.

ҳаракатлари жамоат тартиби ва барқарорлигига путур етказиши мумкин, шунинг учун уларни қилмишлари учун жавобгарликка тортиш жамиятда қонун устуворлиги ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига кўра “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар”. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган барча шахслар фуқаролиги ва қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилиги олдида жавоб бериши шарт. Бу мамлакатда адолатни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи муҳим тамойилдир.

*Дипломатик дахлсизлик тамойили* – бу, хорижий давлатлар дипломатик вакиллари, қабул қилувчи давлатнинг жиноий қонунларига бўйсунмишдан озод қилувчи махсус қоидадир. Ушбу тамойил халқаро ҳуқуқ принципларига асосланади ва дипломатик иммунитетга эга ходимларни, уларнинг мол-мулкни улар аккредитация қилинган мамлакатда жиноий жавобгарликка тортиш ва ҳибсга олишдан ҳимоя қилади ва дахлсизлигини таъминлайди. (Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 12-моддаси 4-қисми).

Юрисдикциянинг ҳудудий тамойилидан, бу истисно шуни англатадики, дипломатлар ўз вазифаларини бажариш чоғида содир этган жиноятлари учун ишлаётган мамлакатда ҳибсга олиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Анъанага кўра, дипломатик иммунитетга эга бўлган шахслар ҳудудий юрисдикцияга бўйсунмишдан озод қилинган тамойил экстратерриториаллик (худуддан ташқари) деб аталади.

Экстратерриториаллик тамойили ҳуқуқий луғатларда биринчи марта XVIII-аср ўрталарида тилга олинган. Бу атама дастлаб, шахсни нафақат жиноят содир этилган давлатнинг суд органлари олдида жавобгарликка тортишнинг мумкин эмаслигини балки элчихона бинолари ва транспорт воситалари улар жойлашган давлат ҳудуди эмас, аксинча элчихона вакили бўлган давлат ҳудуди деб ҳисобланишини англатган. Бу концепция ўзбек ҳуқуқшунослари орасида ҳам тарафдорларга эга эди. Ҳозирги вақтда бошқа нуқтаи назар ҳукмрон бўлиб, унга кўра экстратерриториаллик тамойили жиноят содир этилган давлатнинг жиноий юрисдикциясини

дипломатик иммунитетга эга бўлган ёки бошқача тарзда химояланган шахсларга нисбатан қўллашни инкор этишини англатади. Бундай мақомга эга бўлган шахсларни ўзлари жойлашган ёки ҳудудда истиқомат қилаётган давлат қонунларига мувофиқ, содир этган жиноятлари учун жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ушбу қоидалар, бундай иммунитетга эга шахсларни нафақат қабул қилувчи давлат қонунларига мувофиқ жинойий жавобгарликдан озод қилиниши, балки унинг қонунларига бўйсунмаслиги керак деган фикрни келтириб чиқармаслиги керак. Чунки 1961 йилдаги “Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциянинг 41-моддасига кўра “дипломатик иммунитетга эга бўлган шахслар ўзлари жойлашган давлат қонунларига риоя этишлари ва ҳурмат қилишлари шарт”<sup>10</sup> эканлиги белгиланган.

Элчихона учун фойдаланиладиган ер ва бинолар кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, бу ҳудудлар улар жойлашган давлатнинг бир қисми бўлиб қолади. Элчихоналар жойлашган ер участкалари ва бинолар ушбу кўчмас мулк объектларига эгалик ҳуқуқидан, шунингдек, жисмоний ёки юридик шахснинг фуқаролигидан қатъи назар, қабул қилувчи давлат ҳудуди мақомини сақлаб қолади. Агар илгари элчихоналар жойлашган ерлар ва бинолар хусусий мулк бўлса ҳам, улар мулкчилик мақоми ва шаклидан қатъи назар, халқаро стандартларга мувофиқ қабул қилувчи давлат ҳудудининг бир қисми бўлиб қолади.

Шундай қилиб, ҳозирги замонавий ёндашувга кўра экстерриториаллик тамойили деганда дипломатик дахлсизлик қўлланиладиган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жинойий юрисдикциядан озод қилиниши тушунилади. Бу терминологиянинг моҳияти ва тўғрилиги нуқтаи назаридан “дипломатик дахлсизлик” ёки “дахлсизлик тамойили” деб аташ мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни таҳлил қилиш, жиноят қонунчилигининг шахслар доирасида амал қилишини аниқлаш, шунингдек, содир этилган жиноятларнинг хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бу борада асосий субъект Ўзбекистон Республикаси фуқароларидир. Ўзбекистон фуқаролари хорижий давлат ҳудудда жиноят содир этганликлари учун фаол фуқаролик тамойилига мувофиқ жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин. (Жумладан, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 12-моддаси 1-қисми).

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Олий Кенгашнинг 1994-йил 6-майдаги 1078-ХП-сонли “Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенциясига қўшилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ қўшилган.(Ўзбекистон Республикаси учун 1992-йил 1-апрелдан кучга кирган).



Шахсий ёки миллий принцип деб ҳам аталадиган бу фуқаролик тамойили давлатнинг ўз фуқароларни (субъектларни) мамлакатнинг ичкарисиди ва ўз худудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолаш бурчи ва ҳуқуқига асосланади. Чет давлат худудида содир этилган жиноий қилмишлар учун ўз фуқароларининг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги қоида худудий юрисдикция тамойилидан кечроқ пайдо бўлган. Бу ҳодиса глобаллашувнинг чуқурлашуви шароитида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жамиятни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларнинг эволюциясини акс эттиради. Фақат XVII асрга келиб, бир нечта суверен давлатлар, жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган, ҳуқуқий мажбуриятларнинг имкониятларини ўзаро муҳокама қила бошладилар. Ушбу концепциянинг якуний тан олиниши XIX асрда халқаро жиноят ҳуқуқининг пайдо бўлиши билан содир бўлди. Жиноят ҳуқуқининг амал қилиш доирасининг бу принципи шахснинг фуқаролигига асосланади.

“Ўзбекистон Республикасида фуқаролик шахснинг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисиди ифодаланадиган ҳамда инсон кадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланадиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди”<sup>11</sup>.

Боғланишнинг бундай мустаҳкамлиги вақт ва маконда унинг узлуксизлиги ва барқарорлигида намоён бўлади. Фуқароликнинг вақт давомида узлуксизлиги, унинг қабул қилинган пайтдан бошлаб шахснинг фуқаролиги тугатилганлиги ёки вафот этгунга қадар амал қилишида намоён бўлади. Фуқароликнинг макондаги узлуксизлиги ва доимийлиги шахснинг чет элга чиққанда, шу жумладан хорижий давлатда доимий яшаш ҳолларида ҳам сақланиб қолиши билан тасдиқланади.

Халқаро амалиётда жиноий жавобгарликни фуқаролик тамойилига мувофиқ белгилаш турли усуллар билан амалга оширилади. Ушбу тамойилни қўллашнинг хилма-хиллиги фуқаролик тамойилини талқин қилишнинг иккита асосий тенденцияси натижасидир. Биринчи йўналиш шу билан фарқ қиладики, унда қабул қилувчи давлат қонунчилигига биноан судланган фуқаро ўз ватанига қайтгач, худди шу жиноят учун қайтадан жиноий жавобгарликка тортилади.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги ЎРҚ-610-сон. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон.



**Иккинчи йўналишда** жумладан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига кўра, Ўзбекистон фуқароси бошқа давлат ҳудудида содир этган жинояти учун, агар ушбу давлатда суд ҳукми билан жазоланган бўлмаса, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бу йўналишлар ўртасидаги сезиларли фарқ шундаки, шахсга нисбатан миллий жиноят қонунига асосан жавобгарлик белгилашда, у ўз ватанига қайтиб келгунга қадар, жиноят содир этганлиги учун жазоланган ёки жазоланмаганлигида ҳисобланади. Бунда фуқаролик тамойилининг турлича талқин этилиши, бир хил жиноят учун икки томонлама жазо қўллашни таъқиқлаш тўғрисидаги асосий халқаро-ҳуқуқий тамойилни турлича изоҳлаш билан боғлиқдир. А.Г.Князовнинг фикрича, “муайян давлат фуқароси томонидан хорижий давлат ҳудудида давлат сирларини қасддан ошкор қилиш, хорижий давлатнинг жиноят қонунига мувофиқ жиноят ҳисобланмайди. Икки томонлама жиноят йўқлиги сабабли, уни жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, бундай ҳолда чет давлатда содир этилган қилмиш, унинг жиноий қонунчилигига кўра жиноят деб эътироф этилмагани учун жиноят содир этиш жазосиз қолади”<sup>12</sup>. Фикримизча, айтилган бир жиноят учун икки марта жазо қўллашнинг мумкин эмаслиги тамойили тўғрисидаги кўриб чиқиладиган масала чуқур таҳлил қилишни талаб қилувчи мураккаб муаммодир.

Бунда, ушбу тамойил ҳақиқатдан ҳам халқаро ва миллий жиноят ҳуқуқида умумий қабул қилинган қоидани, деган қонуний савол туғилади. 1966-йилдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактда “ҳеч ким ҳеч қайси давлат қонунлари асосида қайта судланмаслиги ёки жазоланиши керак эмаслиги таъкидланган”<sup>13</sup>. Айтилган пайтда бир қатор давлатлар ушбу қоидани бир хил жиноят учун шахсни фақат бир мамлакат ҳудудида икки марта жазолашни таъқиқлаш деб ҳисоблайди. Бунда шахс, ҳатто у жиноят содир этган давлатда аллақачон судланган бўлса ҳам, ўз мамлакатига қайтиб келганидан кейин, жиноят қонунларига мувофиқ қайта судланишини истисно этмайди. Жумладан, Туркия судларининг амалиёти шундай қабул қилинган. Бу тартиб маълум даражада Германия, Италия, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатларда ҳам амал қилади.

Бу масала турли даражаларда, халқаро ва миллий саҳналарда муҳокама қилинмоқда. Бир томондан, 1966-йилдаги Фуқаролик ва сиёсий

<sup>8</sup> Князев А.Г. Действие уголовного закона в пространстве. Диссертация. Ульяновск – 2006 г. с-110-111

<sup>9</sup> БМТнинг “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактга (1966 й.) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 127-И-сонли “1966 йил 16 декабрдаги фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга қўшилиш ҳақида»ги қарорига асосан қўшилган.

ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда мустаҳкамланган ушбу қоида кўплаб давлатлар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий тизимнинг асосий тамойили сифатида эътироф этилган. Бошқа томондан, турли юрисдикцияларда ушбу тамойилнинг турлича талқин қилиниши ва қўлланилиши муҳокамалар ва мунозараларга сабаб бўлади.

Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва жиноятчиларни экстрадиция қилиш амалиёти шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси жиной қонунчилигининг ҳудудийлик тамойилига ўзининг устувор йўналиши сифатида қарасада, муайян вазиятларда бошқа қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати ҳудудида содир этган жинояти учун, агар халқаро шартномалар ёки битимларда бошқача ҳолат назарда тутилмаса, ушлаб берилиши мумкин эмас. (Масалан, Жиноят кодексининг 12-моддаси 2-қисми).

Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилмайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг амалда республика ҳудудида бўлиши универсал тамойилини қўллаш ёки жиноятчиларни экстрадиция қилишда муҳим рол ўйнайди. Чунки бу шахслар ҳам Ўзбекистон ҳудудида, ҳам хорижда жиноят содир этишлари мумкин, халқаро нормалар ва шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон уларни жиной жавобгарликка тортиш ёки экстрадиция қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг давлат ҳудудида мавжудлиги, айниқса, замонавий халқаро глобаллашув шароитида трансчегаравий жиноятларга қарши самарали курашиш, миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фаол эътибор ва чора кўришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига универсал (умуминсоний) тамойилнинг киритилиши ўта оғир жиноятларга қарши курашиш соҳасида мамлакатнинг халқаро мажбуриятларини қатъий бажаришга интилишидан иборат. Бундай жиноятлар орасида инсоният тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид соладиган жиноятлар алоҳида ажралиб туради. Бу терроризм, геноцид ва уруш билан боғлиқ жиноятларни ўз ичига олиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси имзолаган ёки ратификация қилган халқаро шартнома ва конвенцияларда белгиланган халқаро тусдаги жиноятлар ҳам ҳисобга олинади. Бундай тамойилнинг миллий қонунчиликка киритилиши ушбу тоифадаги жиноятларга ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам халқаро майдонда самарали чек қўйиш ва жиной жавобгарликка тортиш учун асос яратади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 12-моддаси 3-қисмида ўз

ифодасини топган мазкур нормага кўра, Ўзбекистон ўзининг жиноий-ҳуқуқий тамойилларига асосланиб, Ўзбекистонда доимий яшамайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўз ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга. Бироқ, бу шахслар илгари худди шу жиноятлар учун бошқа давлатда жиноий жавобгарликка тортилмаган бўлиши керак. Қонуннинг ушбу қонидаси трансчегаравий жиноятларга қарши самарали курашиш миллий ва халқаро миқёсда хавфсизликни таъминлаш зарурлигини акс эттиради. Шундай қилиб, мазкур қоида нафақат Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик манфаатларини ҳимоя қилади, балки халқаро ҳуқуқ ва тартиботни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилишнинг муҳим механизми бўлиб хизмат қилади. Бу ҳам Ўзбекистон Республикасига жиноятчиликка қарши курашиш ва глобал хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликда фаол иштирок этиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг амалдаги жиноят қонунчилигига кўра, унинг жиноят-ҳуқуқий нормаларининг амал қилиш доираси турли тамойилларга асосланади. Улар орасига ҳудудийлик, фуқаролик, дипломатик ва бошқа иммунитетлар, универсал ва жиноятчиларни экстрадиция қилиш киради. Аммо, бу тамойиллар тизимида асосий устунлик ҳудудийлик тамойилга тегишли ҳисобланади.

### РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимида жиноят қонунчилигига амал қилиш доирасининг умумий тавсифининг назарий ва амалий жихатларига илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

\*\*\*\*\*

В данной статье дана общая характеристика сферы применения пространственного действия уголовно-правовой нормы в правовой системе Республики Узбекистан, основанная на теоретических и практических аспектах, представляют собой научно обоснованные предложения и рекомендации.

\*\*\*\*\*

This article provides a general description of the scope of application of the spatial effect of the criminal law norm in the legal system of the Republic of Uzbekistan, based on theoretical and practical aspects, representing scientifically based proposals and recommendations.

**Аъзамжон ВАХИДОВ,**  
*Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети*  
*Махсус фанлар цикли бошлиғи, подполковник*

## **МАҲКУМЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНING ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган инсонпарварлик, инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларининг олий кадрият сифатида тан олинганлигида. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари ғоят муҳим аҳамиятга эга. Халқ манфаатларига хизмат қилиш улар фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифасига айланди<sup>14</sup>. Бу вазифаларни амалга оширишда 2014 йил 14 май кунда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижроси таъминланади. Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5268-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан бундан буён Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмаслиги белгиланган. Бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъий назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилади<sup>15</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6041-сон

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. [https://constitution.uz/uz/pages/prezident\\_maruzasi\\_25yil](https://constitution.uz/uz/pages/prezident_maruzasi_25yil).

<sup>15</sup> 2017 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маъруза нутқи. [https://constitution.uz/uz/pages/prezident\\_maruzasi\\_25\\_yil](https://constitution.uz/uz/pages/prezident_maruzasi_25_yil;);

Фармонига асосан суд-тергов жараёнида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш ҳамда қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш чора-тадбирлари белгиланган.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ жазони ижро этиш муассасалари ва тергов хибсхоналарида сақланаётган гумонланувчи, айбланувчи, судланувчилар ва жазо ўтаётган маҳкумлар ўртасида режалаштирилаётган ҳамда тайёрланаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича ташкил этилаётган ва ўтказиладиган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 284-сонли буйруғи асосида амалга оширилади.

Жазони ижро этиш муассасалари ва тергов хибсхоналарида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Президент қарорлари ва фармонлари ва амалдаги ИИВ буйруқларига асосан амалга оширилади. Профилактик ишларнинг асосий мақсади барча мавжуд куч ва воситаларни ишга солиб, умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактик чора тадбирларни қўллаш орқали жазони ижро этиш тизимида сақланаётган шахслардан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни умуман содир этилишига олдиндан йўл қўймасликдир.

Жазони ижро этиш муассасалари ходимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолияти биринчи навбатда маҳкум томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, унинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигига, жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланганлигига, ёши, соғлигига, оилавий аҳволига ва бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, жабрланганлар ва жамоатчиликнинг, жумладан, маҳкум яшаган маҳалла вакиллариининг фикрлари ҳам атрофлича ўрганиш улар орасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, улар томонидан содир этишлари мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни амалга оширмасликлардан олдин барвақт чора-тадбирларни кўриш лозим. Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этмоқчи бўлган ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил маҳкумларни аниқлаш, улар томонидан режалаштирилаётган жиноий ҳаракатларини амалга оширишда

тўскинлик қилувчи чора-тадбирларни қўллаш орқали ушбу ҳуқуқбузарликни тажовуз қилиш палласидан амалга ошириш жараёнига ўтишда тўхтатиш орқали бажарилади. Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ишлари, ҳуқуқбузарлик содир этилишида ёрдам бераётган ҳолат, сабаб ва шароитларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш ёхуд тугатишда аниқланган салбий факторлар ва ўрнатилган тизимга нисбатан норози кайфиятдаги маҳкумларга таъсир этишда профилактик чораларини самарали қўллаш орқали амалга оширилади.

Маҳкумлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда қуйидаги ишлар олиб борилади: Уларни ажратиб сақлаш ва назорат қилиш, ишончли қўриқлов, уларни қонунчилик талабларига аниқ ва тўлиқ риоя қилган ҳолда тоифаларига қараб жойлаштириш, ҳуқуқбузарлик содир этишга ёрдам берувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш, содир этилган жиноят ёки ҳуқуқбузарликларни имкон бераётган вазиятларни ўрганган ҳолда келгусида қайта такрорланмаслиги учун тегишли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (умумий профилактика). Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил маҳкумларни аниқлаш, уларга зарурий тарбиявий таъсир чораларини қўллаш орқали амалга оширилади. Жазони ижро этиш муассасасининг катта инспектор-ижтимоий ходимнинг Туркум маҳкумлари билан мўлжалланган тарбиявий чораклик режасига асосан ҳафтанинг пайшанба куни қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни*” доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, диний ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида белгиланган тадбирлар ташкиллаштирилади; маҳкумлар ўртасида “*Ҳуқуқий тарбия*” йўналишида тадбирлар ва маърузалар ўтказилади<sup>16</sup>.

Маҳкумлар орасида оммавий тартибсизлик ёки бошқа турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш учун тегишли махсус чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Яъни (махсус профилактика). Жазони ўтаётган маҳкумлар орасида спиртли ичимликка ружу қўйган ва гиёҳвандларни даволаш ҳамда руҳий зўриқиш ва бошқа эмоционал ҳолатларни олдини олиш учун тегишли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (виктимологик профилактика).

Маҳкумларни тарбиялаш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, шунингдек, уларга озод этилганидан сўнг

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 284-сонли буйруғи.



ижтимоий мослашуви учун кўмаклашиш фаолиятини ташкил этиш соҳасида:

▪ маҳкумлар жазодан озод этилганидан сўнг жамиятга мослашиши учун давлат сиёсати доирасида имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиши, меҳнат бозорида юқори талабга эга мутахассисликларни эгаллаш имкониятини яратиш бўйича чораларни кўриш;

▪ маҳкумларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, миллий ғоя ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, маънавий баркамол, мустақил фикр ва кенг дунёқарашга эга шахс сифатида камол топтириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш;

▪ давлат таълим стандартлари доирасида таълим олаётган маҳкумларни юқори савиядаги билим олиши ва касбий тайёргарликдан ўтишини таъминлайдиган умумий ўрта ва касб-ҳунар таълимини ташкил этиш, бу борада мутасадди органлар билан ҳамкорликни таъминлаш;

▪ маҳкумларни ахлоқан тузатиш жараёнига ваколатли давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг жалб қилишни ташкил этиш;

▪ мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини маҳкумларга етказиш ва уларда бу борада дахлдорлик ҳиссини шакллантиришни таъминлаш;

▪ тарбиявий, ижтимоий ва психологик ишларни ташкил этиш бўйича илғор тажрибалардан фойдаланиш;

▪ маҳкумларнинг муаммоларини мунтазам равишда ўрганиб бориш, уларнинг оиласидаги ижтимоий ва моддий муаммоларини ҳал этишида ҳудудий давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

▪ маҳкумларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш ва озодликка тайёрлаш ишларининг таъсирчан шакл ва усулларини татбиқ этиш;

▪ маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишига қаратилган чора-тадбирларни ташкил этиш;

▪ жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида тезкор-қидирув фаолиятининг самарадорлигини тизимли равишда таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича чораларни кўриш;

▪ жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарига таъқиқланган предметларнинг кириб келиш йўллари аниқлаш ва бартараф этиш;



▪ маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш<sup>17</sup> ишлари амалга оширилади.

Ушбу профилактик чора-тадбирларни жазони ижро этиш муассасаларида амалга оширишда барча куч ва воситаларни жалб этган ҳолда олиб борилади. Жумладан,

– Жазони ижро этиш муассасалари ходимлари ва эркин ёлланган ишчилар;

– Қўриқлаш ва назорат қилиш инженер-техник воситалар;

– сигнализация ва алоқа воситалари;

– махсус воситалар;

– қоровул қўшинлари ходимлари;

– жамоатчилик асосида қатнашувчи маҳкумлар.

Жазони ижро этиш муассасаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда аосий вазифалардан ташқари қўшимча вазифаларни биргаликда бажариш учун прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати, адлия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилиб ўтказилади. Ўтказиладиган барча профилактик чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида амалга оширилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар томонидан такрорий жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг хулқ-атворларини психологик жиҳатдан ўрганиш, кўникиш даврида мослашишга руҳий жиҳатдан ёрдамлашиш, тарбиявий ишнинг самарадорлигини ошириш ва соҳавий хизмат ходимларига зарур маълумотларни етказиб бериш мақсадида, ЖИЭМда маҳкумлар ўртасида психологик ишларни олиб борувчи психолог хизмат ташкил этилади.

Психолог томонидан жазони ижро этиш муассасаларидан озод бўлган маҳкумлар билан тарбиявий ишларни давом эттириш учун маҳкум танлаган яшаш ҳудудидаги ички ишлар органлари, маҳкум озод этилганидан сўнг ўн кун муддат ичида белгиланган намунадаги Психологик хабарнома юборилади<sup>18</sup>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори. Халқ сўзи. 2024 йил 3 апрель.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 284-сонли буйруғи.

Жазони ўтаётган маҳкумни профилактик ҳисобга қўйиш асоси бўлиб маҳкум томонидан тергов ҳибсхонаси ёки жазони ижро этиш муассасаларида ҳуқуқбузарлик содир этилиши учун тайёргарлик ҳақидаги текширилган ишончли маълумотлар ёки судлангунга қадар берилган салбий тавсифнома хизмат қилади. Профилактик ҳисобда турувчи маҳкумлар билан ишларнинг натижалари жазони ижро этиш муассаса маъмурияти қошидаги доимий ҳаракатдаги комиссия йиғилишларида кўриб чиқилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Жазони ижро этиш муассасаларида профилактика ишларни таъминлаш ташкил этиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда масъул ходимлар қуйидагиларни таъминлайди:

– профилактика ишларнинг таҳлил этиш ва умумлаштириш, профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишда назорат қилиб бориш;

– ҳудудий органларнинг тегишли хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофоза қилиш органлари билан биргаликда ўзаро ҳамкорлик бўйича режалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– илғор ижобий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш, профилактик ишларни ташкил этиш методикаси ва тактикаси бўйича методик қўлланмалар тайёрлаш;

– профилактик ишларнинг ҳолати ҳуқуқбузарликлар содир этилишидаги аниқланган сабаб ва шароитларнинг бартарф этилганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси ИИВга ахборот хати тайёрлаш;

– мавжуд ҳуқуқий норматив актларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш (*ҳуқуқбузарликлар профилактикасини алоҳида йўналишларини аниқлаштирувчи саволлар бўйича.*)

Жазони ижро этиш муассасалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирлар ўтказишда масъул ходимлар ўз ваколати доирасида қуйидагиларни таъминлаб беради:

– Жазони ижро этиш муассасаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ўтказиш ва ташкил этишда ҳамкорлик ишларини таъминлаш, иш ҳолати устидан қаттиқ назорат ўрнатиш;

– Жазони ижро этиш муассасаларига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш, ўта муҳим профилактик тадбирларни ўтказишда эса бевосита иштирок этиш;

– профилактик тадбирларни тайёрлашда ҳар бир жазони ижро этиш муассасалари учун муассаса тури ва сақланаётган маҳкумлар тоифаларидан келиб чиқиб, алоҳида ва аниқ белгиланган вазифаларни кўрсатиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда жазони ижро этиш муассасаларидаги барча куч ва воситалардан самарали фойдаланиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда жазони ижро этиш муассасаларининг барча ҲМҚО органлар, давлат ва нодавлат, жамоатчилик ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва таъминлаш;

– Жазони ижро этиш муассасаларидаги ҳуқуқбузарлик профилактикаси ишларини амалга оширишдаги аниқланган ижобий илғор тажрибани тизимли равишда умумлаштириш ва амалиётга босқичма-босқич тадбиқ этиб бориш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини ўтказишда жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти қуйидагиларни таъминлайди:

– профилактик ишларнинг аниқ вазифаларини, тезкор вазиятни тўғри баҳолаш ва таҳлил қилиш асосида ушбу вазифаларни ечишнинг тактик усуллари ва тадбир ўтказишга маъсул шахсларни;

– профилактик тадбирларни ўтказишда жазони ижро этиш муассасаларининг дислокация жойидаги барча ҲМҚО, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, муассаса, хизмат, бўлим қисмларининг ўзаро ҳамкорлигидаги мавжуд куч ва воситаларидан унумли ва самарали фойдаланиш, профилактик тадбирларни аниқ ишлаб чиқиш ва бевосита амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича аниқ ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш.

Жазони ижро этиш жойларида ҳуқуқбузарликлар сабабларини, уларни содир этилишига ёрдам берувчи ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этишдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатлардаги ахборотларга таянилади:

а) жазони ижро этиш муассасаларидаги жиноятчилик ва тартиббузарлик ҳолатлари бўйича ҳисоботлар;

б) жазони ижро этиш муассасалар фаолиятини идоравий ва прокурор текширувлари натижалари;

в) йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар бўйича дастлабки тергов ва хизмат текширувлари маълумотлари;

г) прокуратура такдимномалари ва суднинг хусусий ажримлари;

д) жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларнинг ёзишмалари ва шахсий қабул пайтида олинган маълумотлар;

е) тиббий хулоса ҳужжатлари;

ж) кўриқлов ва назорат қилиш пайтида хизмат олиб бориш натижалари ҳақида маълумотлар;

з) тезкор маълумотлар;

ё) рухшунос ва психолог тавсиялари;

к) тарбиявий хизматларнинг маълумотлари;

л) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ўтказишда, умумий профилактикани қўллашда, яъни сифат ва сон ўзгаришлари, маҳкумларни тоифаларга ажратиш, уларни назорат қилиш, маҳкумларни меҳнатидан фойдаланишга ҳамда маҳкумларнинг моддий-маиший ва тиббий таъминлашга қаратилади.

Жазони ижро этиш муассасаларнинг масъул ходимлари томонидан тўпланган ҳужжатлар асосида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларни қуйидаги усул орқали ажратиб олинади:

– маҳкумларнинг шахсий йиғма жилдларини ўрганиш;

– тезкор йўллар билан маълумотлар йиғиш;

– тарбиявий бўлим, кўриқлаш, тезкор ва махсус бўлим, психологик лаборатория, ўқув муассасалари, маҳкумларнинг жамоа ташкилотлари, тиббий бўлим ва бошқа манбалар;

– маҳкумларнинг, аризалари, шикоятлари ва таклифлари орқали;

– жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни ўрганиш орқали;

– ходисаларни қайд қилиш журналани ўрганиш орқали;

– жиноят ишини кўзғатиш, рад қилиш материалларни қайд қилиш журнали;

– сақлаш режимини қайд қилиш журнали;

– муассаса навбатчилигини топшириш, қабул қилиш ҳақидаги билдиргиларни қайд қилиш журнали ва бошқа ҳужжатлардаги маҳкумларнинг қонунга хилоф равишдаги хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар.

Тартибот бўлими (режим) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда қуйидаги вазифалар юкланган:

1. Маҳкумлар томонидан кун тартибига, муассасаларда ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларига риоя қилинишини ва улар устидан назорат қилиш тизимини таъминлайди;

2. Тезкор ва тарбиявий хизмат ходимлари билан ҳамкорликда салбий йўналишдаги гуруҳларнинг ташкилотчилари ва фаол қатнашчиларини аниқлаб, улар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга оширишади;

3. Профилактик ҳисобга олинган маҳкумлар тўғрисидаги планшетни тайёрлайди ва ундаги ҳужжатларни доимий равишда янгилаб боради.

Маҳкумларнинг ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги ҳисоб карточкаси ва ҳисоб журналини юрғизади;

4. Ҳуқуқбузарлик содир этилиши мумкин бўлган жойларда жамоатчи асосида маҳкумлардан навбатчилигини ташкил этади;

5. Тезкор бўлимларнинг махфий ахборотларига асосан, маҳкумларга жазони ижро этиш муассасалар ҳудудида таъқиқланган буюмларнинг киритилишини олдини олади.

6. Ҳисобда турган шахсларни иш ва яшаш жойларида тинтув тадбирларини ўтказиши;

7. Зарурият туғилганда тезкор ва тарбиявий бўлим ходимлари билан биргаликда маҳкумларга жиноят, жиноят-процессуал, жиноят–ижроия қонунчилик талабларини ва озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги ички тартиб қоидаларини тушунтиради.

Жазони ижро этиш муассасаларининг тезкор бўлими томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажаради:

– ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид асосий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун зарурий маълумотларни йиғишни амалга оширади, профилактик ҳисобда турувчи шахслар орасидаги салбий жараёнларни ўрганади, улар устидан тезкор назорат ўрнатади. Муассаса объектларидаги тезкор маълумотларни ўз вақтида жазони ижро этиш муассасалар маъмуриятига, зарурий ҳолларда тезкор навбатчи ва манфаатдор хизматларга етказиб туради.

– жазони ижро этиш муассасалари ходимларидан аниқ бир маҳкумни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида билдирги тушганда, билдиргидаги маълумотларнинг асослилиги ва ишончлигини текшириб кўради.

– бошқа хизматлар билан ҳамкорликда маҳкумлар орасидаги келишмовчиликларни аниқлайди, профилактик ҳисобда турувчиларнинг рўйхатларини ҳар куни текшириши, зарурий ҳолларда рўйхатларни янгилаб, янги маълумотларни киритиб бориши зарур.

– салбий хулқ атворга эга бўлган гуруҳларнинг ташкилотчилари фаол аъзолари ҳамда хайрихоҳларини аниқлайдилар, уларни бошқа шахслардан ажратиш қўйиш бўйича чора-тадбирларни қўллаш;

– жазони ижро этиш муассасалар тизими ходимлари маҳкумлар билан ноқонуний алоқага киришишларини аниқлаш ва бартараф этиш, жазони ижро этиш муассасалар ҳудудига таъқиқланган буюм ва нарсаларни маҳкумларга етказиш каналларини аниқлаш ва бартараф этиш;

– ҲМҚОлари билан ҳамкорликда жазони ижро этиш муассасаларларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирлар ўтказиши.

Жазони ижро этиш муассасаларларнинг тарбиявий ишлар бўлими томонидан қуйидаги профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади;

– бошқа манфаатдор хизматлар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил маҳкумларни аниқлаш, ҳамда ушбу тоифалар билан комплекс тарбиявий тадбирлар ўтказишни таъминлайди;

– тезкор, тартибот (режим), тиббий, психологик хизматлар билан биргаликда маҳкумларни профилактик ҳисобга қўйиш учун муассаса маъмурий комиссиясига ҳужжатлар тайёрлайди.

– бошқа хизматлар билан ҳамкорликда профилактик ҳисобда турувчи маҳкумлар билан ўтказиладиган профилактик тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва яқка тартибдаги тарбиявий ишлар дафтарига профилактик тадбирларнинг натижаларини акс эттиради.

– профилактик ҳисобда турувчи маҳкумлар ва бошқа жазо ўтаётган маҳкумлар ўртасидаги зиддиятли ҳолатларни аниқлайди ва уларнинг ечими ва тартибга солиш бўйича чоралар кўради.

– бошқа соҳа ходимларининг сўровларига асосан муассаса маъмурий комиссияси йиғилишларида кўриб чиқилган ишларни натижалари бўйича профилактик ҳисобда турувчи маҳкумларни уларга бириктирилганлари тўғрисида тавсифномалар ёзиб беради.

– рағбатлантириш ва жазо чоралари ҳақида маълумотнома тақдим этади;

– муассаса маъмурий комиссиясининг сўровига асосан профилактик ҳисобда турувчи маҳкумларнинг хулқ-атворларини муҳокама қилиш учун туркум тарбиячилар кенгаши йиғилиш қарорларидан кўчирмалар тақдим этади.

– профилактик ҳисобда турувчи шахслар томонидан муассасада ўрнатилган жазони ўташ тартиби бузилганда ушбу фактлар юзасидан текширувлар ўтказишда иштирок этади.

Жазони ижро этиш муассасаларнинг кўриқлаш хизмати томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажаради:

– жазони ижро этиш муассасаларидаги назорат ўташ пунктларида тўлиқ рухсатнома режимини таъминлаш орқали жазони ижро этиш муассасалар ҳудудига таъқиқланган буюм ва нарсаларни маҳкумларга кириб келиши, сақланиши ва фойдаланишининг олдини олади;

– муассаса бошлиғининг буйруғига биноан жазони ижро этиш муассасалар ҳудудида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этади;



– жазони ижро этиш муассасаларлардаги маҳкумлар томонидан ҳаракат маршрутларида ва кўриқлаш объектларида ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олади;

– ҳар куни тезкор ва тартибот хизмати ходимларидан қочишга мойил маҳкумлар ҳақида маълумот олиб, уларнинг назорат ўташ пунктларида ва муассаса бошлиғининг навбатчиси ёрдамчиси хоналаридаги рўйхатини янгилайди;

– қочиш учун қулай жойларни аниқлаш ва қочиш имкониятини баргараф этиш чораларини кўради.

Жазони ижро этиш муассасаларнинг психологик хизмат томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажаради:

▪ психолог маҳкум шахсини индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш орқали ташхис қўйиб, бу бўйича тавсиялар ишлаб чиқади ва Маҳкумлар билан яқка тартибда тарбиявий ишларни олиб бориш дафтарига психологик портрети бўйича қисқача маълумотларни киритади;

▪ ЖИЭМда психолог томонидан шахсни жамиятдан ажратилган шароитга мослаштириш, депрессия ва стресс ҳолатларидан чиқиб кетиш, шахслараро муносабатларни ўрнатиш ва маҳкумларни озодликка тайёрлаш бўйича тадбирларни амалга оширади;

▪ психологнинг махсус усуллари ва хизматига тааллуқли айрим ҳолатлар сирини бошқа шахслар томонидан билиб олиншига йўл қўйилмайди, шунингдек, психологик суҳбат, текширув ва шахсни ўрганиш жараёнида олинган шахсий маълумотларни тарқатилмаслик чораларини кўради;

▪ тергов ҳибсхоналарида психолог сақлаётган шахслар билан психологик суҳбатлар ўтказади;

▪ ЖИЭМда психологик хизмат маҳкумларни қилган жиноятига бўлган муносабатини аниқлаш, маҳкумларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш, агрессия, депрессия, стресс ҳолатидан чиқиб кетишига қўмаклашиш, маҳкумлар орасида соғлом руҳий муҳит яратиш, ҳар бир маҳкум характерида хос бўлган ижобий ёки салбий, лидерлик хусусиятлари мавжуд маҳкумларни аниқлаш, маҳкумларнинг фикрлаш доираси, қобилиятлари ва қизиқишларини ўрганиш, шунингдек, ички тартиб қоидаларни бузишга мойил, ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришга қийналадиган маҳкумлар билан психологик ишларни кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

▪ психолог маҳкумларнинг психологик ҳолати (кайфияти, руҳиятидаги ўзгаришлар, агрессивлик, стресс ва бошқалар), билиш



жараёнлари (сезги, идрок, хотира, диққат, тафаккур, хаёл), индивидуал хусусиятлари (темперамент, характер, қобилият, қизиқишлар), оилавий аҳволи (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, қариндошлари билан муносабати, турмуш тарзи), хулқ-атворидаги ўзгаришлар (атрофидагиларга муносабати, юриш-туриши, хатти-харакатлари, туркумда ўзини тутиши ва бошқалар)ни ўрганиб, психологик тарғибот, психопрофилактика, психодиагностика, психокоррекция ва психоконсултация ишларини олиб боради;

- маҳкумларнинг психологик портретларини яратишда психологик ташхис қўйиш, алоҳида эътибор талаб қиладиган гуруҳларга аъзо бўлган шахслар (маҳкумлар)ни ҳар томонлама объектив ўрганиш орқали индивидуал психологик хусусиятларини аниқлашда психодиагностикадан фойдаланилади; (Ушбу ишларни амалга оширишда махсус психодиагностик методлар (кузатиш, суҳбат, анкета, эксперимент биографик метод, тест ва бошқалар) қўлланилади).

- психологик консултация жараёнида маҳкумларга муаммоли вазиятларда ечим топишга ёрдам берилади; (Психологик консултациянинг асосий вазифалари эмоционал кўмак ҳамда маҳкумларни хавотирга солаётган жараёнларни ўрганиш, муаммога психологик ёндашиш, маҳкумларда масъулият ҳиссини ошириш, ҳаётга реал ва ҳаётий маслаҳат бериш кабилардан иборат).

- маҳкумларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, соғлом фикрларни шакллантириш, янги муҳитга мослашишида кўмаклашиш, низоларнинг олдини олишда ёрдам бериш, руҳий тушкун ҳолатдан чиқиб кетишида ҳамда соғлом руҳий муҳитни шакллантириш мақсадида психологик тренинг машғулоти ўтказилади.

- психологик тренинг ташкил этишда дастур тузилади ва ушбу дастур асосида маҳкумларнинг ёши, муаммоси, фаоллик даражасига эътибор қаратилади.

- психолог режа асосида маҳкумлар ўртасида якка тартибда, гуруҳ билан ва оммавий шаклда психологик тадбирлар олиб боради;

- маҳкумлар ўртасида психологик ишлар, психологик методлар таҳлили асосида олиб борилади, ЖИЭМнинг соҳавий хизмат ходимларига белгиланган намунадаги Психологик тавсиялар берилади.

- жазо муддатини ўтаётган маҳкум ҳуқуқбузарлик содир этганда, унинг руҳий ҳолати ўрганилиб, белгиланган намунадаги Психологик хулоса берилади;

- психолог ЖИЭМда жазо муддатини ўтаётган барча маҳкумларнинг психологик портретларини яратиб боради ва маҳкумнинг шахсий

ҳужжатлар йиғмажилдига бириктириш учун ЖИЭМнинг махсус ҳисоб бўлимига тақдим этади; (психолог ЖИЭМнинг соҳавий хизматлари (тезкор, тартибот, тарбия, даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва махсус ҳисоб бўлими)дан маҳкумнинг шахси ва хулқига оид ахборот ҳамда маълумотларни оғзаки ёки ёзма олиши мумкин).

▪ маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ёки манзил-колониясига жазо муддатини ўташи учун ўтказиш ёхуд сақлаш шароитини ўзгартириш масаласини кўриб чиқишга тақдим этиш ишлари юзасидан психолог томонидан белгиланган намунадаги Психологик тавсифнома берилади;

▪ психолог томонидан ЖИЭМдан озод бўлган маҳкумлар билан тарбиявий ишларни давом эттириш учун, маҳкум танлаган яшаш ҳудудидаги ички ишлар органлари, маҳкум озод этилганидан сўнг ўн кун муддат ичида белгиланган намунадаги хабарнома юборади.

**Психолог маҳкумларни тоифага ажратган ҳолда қуйидаги ишларни амалга оширади:**

▪ *янги келган ҳар бир маҳкумга индивидуал тарзда ёндашиб, психологик хусусиятларини ўрганиш, онгини ижобий тарафга ўзгартириш, содир этган жиноятдан пушаймон бўлиш ҳиссини уйғотиш бўйича психологик ишларни олиб боради;*

▪ *тузалиш йўлига ўтмаган, негатив ҳисобда турувчи, руҳиятида оғиши бор, ҳуқуқбузарлик содир этган маҳкумлар ҳамда хавфли рецидивистлар, кучли руҳий зўриққан маҳкумлар билан мунтазам равишда психологик тадбирлар ўтказади;*

▪ *маҳкумлар билан бузғунчи гояларнинг шахс руҳиятига салбий таъсири юзасидан ишлар олиб боради, уларга маънавий-маърифий, диний қадриятлар ҳамда Ватанга садоқат ҳиссини оширишда таъсир кўрсатадиган самарали усулларни қўллайди;*

▪ *маҳкумларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, соғлом фикрларни шакллантириш, янги муҳитга мослашишида кўмаклашиш, низоларнинг олдини олишда ёрдам бериш, руҳий тушкун ҳолатдан чиқиб кетишида ҳамда соғлом руҳий муҳитни шакллантириш мақсадида психологик тренинг машғулотларини ташкиллаштиради;*

▪ *ўтказилган психологик ишларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашиш лозим бўлган маҳкумлар бўйича соҳавий хизмат ходимларига тавсиялар беради;*

▪ *психолог томонидан маҳкумга оид зарур маълумотларни олиш бўйича ЖИЭМнинг соҳавий хизматлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан олиб борадиган ёзишмалари, шунингдек, маҳкумларнинг руҳий ҳолатини*

*махсус психологик услублар асосида ўрганиши, тренинглар ва тадбирлар ташкил қилиши натижалари ҳамда улар юзасидан расмийлаштириладиган, тўпланадиган ҳужжатларни умумлаштириб бориши учун алоҳида-алоҳида йиғмажилд юритади*<sup>19</sup>.

Фавқулодда ҳолатларда (жиноятлар, гуруҳий бўйсунмаслик, ўз жонига қасд қилиш, оммавий тартибсизлик ва гаровга олиш) уларни бартараф этиш чораларини кўради ва келгусида бундай ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини таъминлайди.

Ходимлар орасида салбий (деструктив) ҳолатлар, касбий бузилишлар (профессионал деформация)ни аниқлаб улар билан психокоррекция машинлотлар олиб боради.

Шахсий таркибнинг психологик компетентлигини оширади, уларни махсус тоифалар билан ишлашда зиддиятсиз мулоқот кўникмаларига ўргатади. Ходимларнинг турли экстремал ҳолатларда ҳам босиқлик билан иш кўришга, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан руҳий тетикликни сақлаб қолиш, ўзини йўқотмаслик, ўзига ишончни сақлаб қолиш малакалари ва кўникмаларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди.

Жазони ижро этиш муассасаларнинг ишлаб чиқариш-техник хизмати томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажаради:

Жазони ижро этиш муассасаларидаги ишлаб чиқариш объектларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги ишлаб чиқариш объектларида, цех ва участкаларида пропуск(назорат)-текширув бўйича режим талабларини, профилактик ҳисобга олинган маҳкумлар устидан назоратни таъминлайди. Ишлаб чиқариш ҳудудида маҳкумларнинг назоратсиз ва мақсадсиз юриш ҳолатларини бартараф қилиш чораларини кўради.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги ишлаб чиқариш объектларида тартиб интизомни йўлга қўяди, маҳкумлар томонидан ишлаб чиқариш интизоми ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларини назорат қилади ҳамда таъминлайди.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги ишлаб чиқариш объектларида транспорт воситаларини ҳаракатланишини, техника хавфсизлигини, уларга хом ашё ва тайёр маҳсулотларни юклаш ва бўшатиш устидан назоратни ташкил этади ва таъминлайди.

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 284-сонли буйруғи.

Ишлаб чиқариш ҳудудидаги транспорт ва техник воситалар, технологик ускуналар, санчувчи-кесувчи асбоблар, хом-ашё ва тайёр маҳсулотларнинг ўз ўрнида ишлатилишини, уларнинг ҳисобини юритади, зарарсиз сақлаш ҳамда чархлаш–ўткирлаш асбобларини алоҳида сақлаш чораларини яратади.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги ишлаб чиқариш объектларидаги алоҳида участкалар ва маҳкумларнинг ўзларини зарурият туғилганда режали ва режасиз тинтувлар ўтказишга шароит яратади ва иштирок этади.

Бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жазони ижро этиш муассасаларидаги ишлаб чиқариш объектларида маҳкумларнинг қочиши, транспорт воситаси ёрдамида бузиши учун қулай бўлган жойларини аниқлаб, уларни бартараф этади. Шунингдек ушбу масалалар ва муассаса ҳудудига таъқиқланган нарса ва буюмлар кириб келишини бартараф этиш бўйича таклифлар киритади.

Маҳкумлар томонидан жазони ижро этиш муассасаларлардаги ишлаб чиқариш объектларида яшириниш ва қочиш учун қулай, ўзбошимчалик билан иншоотларни қурилишларни таъқиқлайди.

Бошқа тегишли хизматлар ўз функционал мажбуриятларига амал қилган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда иштирок этадилар.

Якка тартибдаги профилактик чоралар қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

1. Маҳкумнинг шахсини ҳар томонлама ўрганиш (унинг жиноий алоқалари, характери, кўникма, малака ва мойилликлари, ҳулқнинг негатив томонлари, гап сўзлари муомаласи, жазони ижро этиш муассасалардаги ётоқ ва иш жойидаги шериклари.)

2. Маҳкумга содир этган ҳуқуқбузарликларнинг хавфли ва зарарли томонлари, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-ҳуқуқий оқибатлари ҳақида якка тартибдаги суҳбатлар ўтказиш;

3. Маҳкумга салбий таъсир кўрсатаётган турли алоқа ва шароитлардан ажратиш;

4. Маҳкумни ижтимоий фойдали меҳнатга, ўқишга жалб қилиш, ташаббускор ташкилотларга аъзо бўлишга ундаш;

5. Тарбиявий жараёнда барча имкониятлардан шунингдек, оилавий, унинг учун ҳурматга эга бўлган, қариндош-уруғчилик ва бошқа ижобий таъсир эга алоқаларидан фойдаланиш лозим.

6. Аниқ ва реал шароитлар ҳамда мақсадга мувофиқликдан келиб чиқиб профилактик ҳисобда турувчи шахсларга турли таъсир шаклларида фойдаланиш мумкин.

Профилактик ҳисобга қўйиш ташаббускори маҳкум билан бевосита мулоқотга киришувчи жазони ижро этиш муассасаларнинг ҳар қандай ходими ёки эркин ёлланган ишчиси бўлиши мумкин. У ўз фикрини муассаса бошлиғи номига ёзган билдиргисида баён этиши шарт. Муассаса бошлиғи белгиқўйгандан сўнг тезкор ходимлар 10 кун давомида маълумотлар тўғрилиги ва асослигини аниқлайдилар. Текширув тугагач билдирги тарбиявий бўлимга ўтказилади ва ундаги маълумотлар тўғри ва профилактик ҳисобга қўйиш асосли бўлса унга ушбу ҳақида маълумотнома илова қилинади. Туркум бошлиғи зарур бўлган ҳужжатлар, тавсифнома, маҳкумнинг тушунтириш хатлари, у содир этган ҳуқуқбузарликлар бўйича ёзилган билдиргилар ва бошқа материалларни ўрганиб чиқиб, бошлик билан келишган ҳолда хулоса тайёрлайди ва муассаса тарбиячилар кенгашининг навбатдаги кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этади. Муассаса комиссияси йиғилишида билдирги ёзган шахс ва маҳкумни ҳам чиқишлари тингланади. Ўрганиб чиқилгандан сўнг комиссия маҳкумни профилактик ҳисобга қўйиш ҳақида ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Ушбу қарор комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланиши шарт. Бунда жазони ижро этиш муассасаларнинг тажрибали ва малакали ходими унга бириктирилади, алоҳида ҳисоб варақаси ва махсус тарбиявий режа тузилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жазони ижро этиш муассасаларда жазони ўтаётган маҳкумларнинг ўзига тегишли хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг яқка тартибдаги профилактик таъсир этиш усул ва шакллари амалга оширилиб қўлланиладиган бўлса жазони ижро этиш муассасаларида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ҳамда ўрнатилган тартиб қоидаларни бузилиш ҳолатлари бартараф этилади. Бу эса озодликка чиқаётган шахслар жамиятда ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни қайта содир этиш олди олинган

бўлар эди. Асосий мақсадимиз янги Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бугунги ҳаётдан мамнун бўлиб, юрт тараққиёти ва ривожига ўзида дахлдорлик ҳиссини туйиб яшашига хизмат қилишига қаратилган.

### РЕЗЮМЕ

Маҳкумлар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда жазони ижро этиш муассаси томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини қўллаш, жазони ижро этиш муассаси қонун билан белгиланган талаблар ҳамда тартибларга риоя этган ҳолда маҳкумлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш усул ва шакллари самарали қўллаш йўллари мақолада ёритиб берилган.

\*\*\*\*\*

Осуществление исправительным учреждением общих, специальных, индивидуальных и виктимологических профилактических мер по профилактике правонарушений в целях предупреждения совершения правонарушений среди заключенных, применение мер профилактики правонарушений на основании закона и нормативных правовых документов, исправительное учреждение В статье описаны пути эффективного использования методов и форм устранения нарушений, которые могут быть совершены среди заключенных.

\*\*\*\*\*

The implementation by a correctional institution of general, special, individual and victimological preventive measures for the prevention of offenses in order to prevent the commission of offenses among prisoners, the use of measures to prevent offenses on the basis of the law and regulatory legal documents, a correctional institution. The article describes ways to effectively use methods and forms of eliminating violations that may be committed among prisoners subject to established requirements and procedures.



**Лазиз КОМИЛОВ,**  
*Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик  
цикли ўқитувчиси, капитан*

**ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШДА ҚУРОЛ ҚўЛЛАШ ҲУҚУҚИНИНГ  
БАЪЗИ ҲОЛАТЛАРИ**

Маълумки, ҳозирги пайтда Ер юзидаги мамлакатлар ҳар томонлама шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ушбу ривожланиш кўплаб соҳаларни ўз ичига олгани каби жамоат хавфсизлиги фаолиятини ҳам қамраб олган. Негаки, жамоат хавфсизлиги масаласи ривожланиш жараёни билан бевосита боғлиқ. Қайси тизимни олмайлик, ривожланиш жараёни: тинчлик, осойишталик, тартиб, хавфсизлик каби фаолиятлар юзага келган ҳолатдагина қарор топган. Зеро, қачонки жамиятда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини ривожлантиришга эришилса, шундагина ривожланишга эришиш мумкин.

**Жамоат хавфсизлиги, бу** – жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир<sup>20</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрь кундаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони жамоат хавфсизлиги соҳасида самарадорлик сари катта қадам бўлди. Ушбу Фармон билан жамоат хавфсизлигини таъминлашда жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларга функционал вазифалар белгилаб берилди.

Жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан иборат.

Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони. Халқ сўзи. 2021 йил 30 ноябрь.

киради. Албатта, юқорида зикр этилган субъектлар ваколат доирасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш масаласини самарали ҳал этиши лозим. Зарур ҳолларда эса субъектларда келтирилган айрим куч ишлатар тузилмаларга қонун назарда тутган ҳолларда ва тартибда жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқи берилган.

Шунингдек, “Ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқотар қурол қўллаш бўйича асосий тамойиллар”нинг 4-бандида “Ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахслар ўз хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида куч ишлатиш ва ўқотар қуролни қўллашдан аввал имкон қадар куч ишлатар воситалардан фойдаланмасликлари лозим. Улар фақатгина бошқа воситалар самарасиз бўлганида ёки кўзланган натижага эришиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатлардагина куч ишлатишлари ва ўқотар қуролни қўллашлари мумкин” деб, келтирилган<sup>21</sup>. Бундан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан мажбурлов чорасининг энг қаттиқ чораси ҳисобланади.

Қурол қўллаш тушунчаси бўйича “Қурол тўғрисида”ги Қонунда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда расмий изоҳ келтирилмаган. Бироқ, ушбу тушунчага расмий таъриф бериш ниҳоятда зарур. Фикримизча, Б. Ғиёсов томонидан “Жамият ва инновациялар” номли журналда чоп этилган “Ўқотар қуролдан фойдаланиш ва қўллаш тушунчаларининг таҳлили” номли илмий мақолада келтирилган изоҳ мазмунан ушбу тушунчани ёритиш билан боғлиқ бўшлиқни тўлдириш имконини беради. Яъни, **қурол қўллаш** бу – ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга сўнгги маъмурий чора сифатида ўқотар қуролдан ўқ узишни англатадиган ҳуқуқий хатти-ҳаракатдир<sup>22</sup>.

**Ҳуқуқ**, бу – давлат томонидан белгиланган ёки тасдиқланган умуммажбурий ижтимоий нормалар тизимидир<sup>23</sup>. Ҳуқуқ тушунчаси бошқа манбаларда ифода этилишича, **ҳуқуқ**, бу – давлат томонидан чиқарилган, давлат томонидан тартибга солинадиган, барча учун бажарилиши умуммажбурий бўлган хулқ-атвор қоидалар йиғиндисидир. Ушбу тушунчаларни жамлаган ҳолда *қурол қўллаш ҳуқуқи* деганда, “ходим ёки ҳарбий хизматчи томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга

<sup>2</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1990 йил 27 август – 7 сентябрда Кубанинг Гавама шаҳрида ўтказилган Саккизинчи Конгрессидаги “Ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқотар қурол қўллаш бўйича асосий тамойиллар”.

<sup>3</sup> <https://www.researchgate.net>.

<sup>4</sup> <https://qomus.info>.

сўнги маъмурий чора сифатида ўқотар қуролдан ўқ узиш билан боғлиқ қоидалар йиғиндиси” десак, муболаға бўлмайди.

Табиийки, жамоат хавфсизлиги кенг қамровга эга бўлган тушунча ҳисобланиб, ушбу мураккаб ҳолатни таъминлашда ҳамкорлик масаласи мисли кўрилмаган даражада муҳим аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан, “Жамоат хавфсизлиги Концепцияси”нинг 5-бандида “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинувчи куч ва воситаларнинг ҳаракатлари ўзаро изчиллик ва бирликка асосланади ҳамда бу борадаги фаолиятда сансалорлик ва зиддиятларга йўл қўйилмайди<sup>24</sup>” дея, келтирилган.

Эътиборингизни ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига тегишли тартиботларни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ҳамда Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунларда акс эттирилишининг айрим жиҳатларига қаратмоқчиман:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси 12-хатбошисида “Агар ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, *Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас, бундан террорчилик ҳаракатининг олдини олиш, гаровдагиларни озод қилиш, қуролли ҳужумни қайтариш ҳоллари мустасно*,<sup>25</sup>” дея ифодаланган;

“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддаси 11-хатбошисида ҳам “Агар ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, *Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас, бундан террорчилик ҳаракатининг олдини олиш, гаровдагиларни озод қилиш, қуролли ҳужумни қайтариш ҳоллари мустасно*<sup>26</sup>,” дея ифодаланган;

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси 14-хатбошисида эса “*Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий*

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябр кундаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони;

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрель кундаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-471-сон Қонуни;

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрь кундаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ЎРҚ-647-сон Қонуни;

*шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас<sup>27</sup>*”, дея келтирилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, террорчилик, гаровга олиш, қуролли ҳужумни қайтариш билан боғлиқ вазиятларда куч ишлатар тузилмаларнинг махсус вазифаларни бажарувчи тезкор бўлинмалари жанговар фаолиятларини ҳамкорликда амалга оширишади. Қонунчиликнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда фикр билдирадиган бўлсак, террорчилик, гаровга олиш, қуролли ҳужумни қайтариш вақтида Ички ишлар органларининг махсус вазифаларни бажарувчи тезкор бўлинмалари қуролсиз қатнашиши ёки умуман қатнашмаслигини тасаввур қилиб бўлмайди. Яъни, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси 14-хатбошисида фаолият билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд деб, иддао қилинмоқда.

Ички ишлар органларининг таркибий тузилмаси ҳисобланган “Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди” ходимлари “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги Қонуннинг 24-моддаси 3-хатбошисида “гаровдагиларни озод қилишда” дея, 6-хатбошисида эса “фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг кўриқланадиган объектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда” дея, келтириб ўтилган жанговар вазифаларни бажаради. Шу муносабат билан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддаси 14-хатбошисини худди “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонунда келтирилгани каби “Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас, бундан террорчилик ҳаракатининг олдини олиш, гаровдагиларни озод қилиш, қуролли ҳужумни қайтариш ҳоллари мустасно”, деб тўлдириш мақсадга мувофиқ.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни.

## РЕЗЮМЕ

Ушбу илмий мақолада жамоат хавфсизлиги, қурол, ўқотар қурол, ўқотар қуролни қўллаш тушунчалари атрофлича ёритилган. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳамда Ички ишлар органлари мисолида тақдим қилинган. Ички ишлар органларидаги ўқотар қурол билан боғлиқ тартиботларда мавжуд бўшлиқни ҳуқуқий жиҳатдан тўлдириш Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардия қонунчилиги мисолида таққосланган.

\*\*\*\*\*

В данной научной статье рассматриваются понятия общественной безопасности, оружия, огнестрельного оружия и применения огнестрельного оружия. Сотрудничество правоохранительных органов в обеспечении общественной безопасности представлено на примере Службы государственной безопасности Республики Узбекистан, Национальной гвардии Республики Узбекистан и органов внутренних дел. Правовое заполнение существующего пробела в процедурах обращения с огнестрельным оружием внутренних дел сравнивается на примере законодательства Службы государственной безопасности и Национальной гвардии.

\*\*\*\*\*

This scientific article covers the concepts of public safety, weapons, firearms, and the use of firearms. Cooperation between law enforcement officials in ensuring public safety is presented on the example of the State Security Service of the Republic of Uzbekistan, the National Guard of the Republic of Uzbekistan and the Internal Affairs bodies. Legal filling of the existing gap in internal affairs firearms procedures is compared with the example of State Security Service and National Guard legislation.

**Шахобитдин ҒАНИЕВ,**  
*Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси катта  
ўқитувчиси, майор*

## ЮЗЛАШТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ-ҲУҚУҚИЙ МОҲИЯТИ ВА РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

Жиноятларни тергов қилишда жиноят-процессуал қонунчилигига асосан далиллар орқали одил судловни амалга оширишда ўтказиладиган тергов ҳаракатлари, хусусан юзлаштириш тергов ҳаракати салмоқли ўрин эгаллайди. Даставвал, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигидаги ҳар бир тергов ҳаракатларининг ўзига хос жиҳатлари ва кўп қирралари мавжудлигини инобатга олиб, юзлаштириш тергов ҳаракатининг мазмун-моҳиятини ва унинг ривожланиш босқичларини чуқурроқ таҳлил қилиб ўрганиб чиқиш лозим.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида олимлар томонидан юзлаштириш тергов ҳаракати тушунчасига турлича ёндашувлар бўлганлиги ва улар томонидан қуйидагича таърифлар бериб ўтишганлигини кўриш мумкин.

А.В.Соловьёв ўзининг юзлаштиришга бағишланган монографик ишида ушбу тушунчани беради: “юзлаштириш-бу илгари сўроқ қилинган икки шахснинг бир-бирини иштирокида уларнинг кўрсатмаларида муҳим қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган ҳолатлар тўғрисида баҳсли вазиятларда ҳақиқатни аниқлаш учун сўроқ қилишдир”<sup>28</sup>. Ушбу таъриф юзлаштиришнинг асосий процессуал шартларини акс эттиришига қарамай, у бир қатор муҳим камчиликларга эга. *Биринчидан*, муаллиф сўроқ билан юзлаштиришни тўлиқ аниқлайди, унинг мустақиллигини процессуал ҳаракат сифатида инкор этади. Шу билан бирга, сўроқ қилишнинг кўплаб хусусиятларига эга бўлган қарама-қаршилик нафақат процессуал ва тактик, балки психологик жиҳатдан ҳам жуда ўзига хосдир. *Иккинчидан*, А.В.Соловьёв ушбу процессуал ҳаракатнинг мумкин бўлган иштирокчилари ҳақида ҳеч нарса демайди. Бундан ташқари, улар юзлаштиришнинг мақсадини баҳсли вазиятларда ҳақиқатни аниқлаш билан чеклашади. Юзлаштириш жараёнида нафақат муҳим қарама-қаршиликларни ҳал қилишга қаратилган, балки мунозарали масалани

---

<sup>1</sup> Соловьёв А.В. Очная ставка на предварительном следствии. / А.В. Соловьёв. - М., ОГИЗ. 1970.- С.48.



ёритиш билан боғлиқ, чегара, тузатишга қаратилган муаммолар ўрганилмоқда.

“Дастлабки терговда сўроқ қилиш тактикаси” монографик тадқиқот муаллифлари – Л.М.Карнеева, С.С.Ординский ва С.Я.Розенблат дастлабки терговда юзлаштириш методологиясига етарлича эътибор бериб, қарама-қаршиликнинг процессуал табиати ҳақида гапириб ўтишган: “процессуал нуқтаи назардан, юзлаштириш илгари сўроқ қилинган шахсларни яна сўроқ қилишдан иборат, аммо бир-бирининг ҳузурида ва бироз олдин улар тўғридан-тўғри ёзадилар, юзлаштириш-бу сўроқнинг бир туридир”<sup>29</sup>. Бу борада профессор М.А.Чельцов<sup>30</sup> сингари, ушбу муаллифлар ҳам юзлаштиришни иккитадан ортиқ одамни шахсан сўроқ қилиш имконияти сифатида тан олишади.

Криминалистика ва жиноят процесси бўйича ХХ асрда чоп этилган дарслик, қўлланмаларнинг аксариятларида юзлаштириш сўроқнинг бир тури сифатида қаралади<sup>31</sup>. Ўтказилган диссертацион изланишларда ҳам айнан шу концептуал жиҳатдан келиб чиққан ҳолда Н.В.Бахарев, А.К.Давлетов, В.С.Максимов, А.В.Соловьев ва бошқалар юзлаштиришнинг ҳуқуқий мақомини айнан сўроқ қилиш процессуал тартиби билан белгилаганлар<sup>32</sup>. Кўпинча сўроқ тергов ҳаракатига бағишланган боблар тизимида юзлаштириш сўроқнинг бир тури сифатида белгиланган. Уларнинг муаллифлари у ёки бу кичик ўзгаришларда юзлаштириш тушунчасига ўхшаш таърифларни беришади. Жумладан, Н.А.Селиванов юзлаштиришни терговчининг хоҳишига кўра айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар орасида илгари сўроқ қилинган икки шахс ўртасида, агар уларнинг кўрсатмаларида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар қандай комбинацияси билан амалга ошириладиган тергов ҳаракати сифатида белгилайди<sup>33</sup>.

<sup>2</sup> Карнеева Л.М. Тактика допроса на предварительном следствии. / Л.М. Карнеева, С.С. Ординский, С.Я. Розенблат. / М: Госюриздат., 1958. - С. 176.

<sup>3</sup> Чельцов М.А. Уголовный процесс. / М.А. Чельцов. - М.: Изд. Госюриздат. 1951. - С. 44.

<sup>4</sup> Криминалистика: Учебник / Под ред. проф. А.Г. Филипова. - М.: Юриспруденция, 2000. - С. 352; Справочная книга криминалиста. / Под ред. проф. Н.А.Селиванова. - М.: НОРМА, 2000. - С. 145; Криминалистика: Учебник / Отв. Ред. Н.П. Яблоков. - 2-е изд. перераб. и доп. - М.: Юрист, 2001. - С. 169 с; Ищенко Е.П. Криминалистика: Краткий курс. - М.: Юридическая фирма «КОНТАКТ», 2003. - С. 170.

<sup>5</sup> Бахарев Н.В. Очная ставка и тактика её производства при расследовании преступлений. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. / Н.В. Бахарев. – Казань, 1981. – 27 с.; Давлетов А.К. Очная ставка на предварительном следствии. Автореферат дис.... канд. юрид. наук. / А.К. Давлетов. – Л., 1961. – 16 с.; Максимов В.С. Теория и практика очной ставки на предварительном и судебном следствии. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. / В.С. Максимов. - Свердловск, 1975. – 21 с.; Соловьев А.В. Очная ставка на следствии и в суде. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. / А.В. Соловьев. - М., 1968. – 17 с.

<sup>6</sup> Селиванов Н.А. Справочная книга криминалиста. / Н.А. Селиванов. – М.: Издательство НОРМА, 2000. - С. 145.

А.Г.Филиппов криминалистика бўйича дарсликда қуйидаги таърифга муурожаат қилади: “юзлаштириш – бу илгари бир хил факт бўйича сўроқ қилинган, кўрсатмаларида жиддий қарама-қаршилиқлар мавжуд бўлган икки шахсни бир-бирининг иштирокида бир вақтнинг ўзида сўроқ қилишдир”<sup>34</sup>. В.В.Вандишев “юзлаштириш – бу қонун билан тартибга солинадиган тергов ҳаракати бўлиб, терговчи ва илгари сўроқ қилинган икки шахс ўртасидаги психологик алоқадан иборат бўлиб, уларнинг кўрсатувларида жиддий қарама-қаршилиқлар мавжуд бўлганда ўтказиладиган ҳаракатдир.”<sup>35</sup> деб таъриф берилади.

Ушбу муаллифлар ўзларининг нуқтаи назарлари билан нисбатан ўхшаш тушунчаларини келтирадilar. Шундай қилиб, А.К.Давлетов ва А.В.Соловьевнинг таъкидлашича, юзлаштиришнинг процессуал табиати масаласи сўроқнинг бир тури сифатида қонун чиқарувчи томонидан ҳал қилинади, чунки юзлаштиришни ишлаб чиқаришни тартибга солувчи мақолада “сўроқ” ва “сўроқ қилинувчи” атамалари қўлланилади. Бироқ, қонун чиқарувчи томонидан ушбу атаманинг ишлатилиши юзлаштириш сўроқнинг бир тури эканлигини ҳали исботламайди. Юзлаштиришда сўроқ қилиш шартлари гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг барча талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун юзлаштириш ва сўроқ шартли маънода тушунилиши керак.

Илмий-назарий томондан ҳодисани ўрганиш учун кўплаб усуллар қўлланилади. Улардан бири – ретроспектив таҳлил, яъни маълум бир вақт оралиғида ўзгарган маълумотларни батафсил таҳлил қилиш. Яъни ўтмишдаги бирон-бир воқеадан то ҳозирги кунгача бўлган давр ҳисобга олинади. Ҳар бир ижтимоий воқелик ёки ҳодисанинг моҳиятини чуқур билиш учун аввало унинг келиб чиқиш манбасини, яъни чуқур илдизларини ўрганиш талаб этилади. Айнан мазкур қоида бизларни юзлаштириш тергов ҳаракатининг моҳияти, вужудга келиши ва тарихий-ҳуқуқий ривожланишини ўрганишга ундайди.

Юзлаштириш тергов ҳаракатига доир процессуал қоидалар бугунги кунга қадар бир қатор босқичларни босиб ўтган. Ушбу тергов ҳаракатининг моҳияти, вужудга келиш омиллари, ривожланиш босқичлари ҳамда амалдаги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ушбу тергов ҳаракатини янада такомиллаштириш ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш имконини беради.

<sup>7</sup> Криминалистика: Учебник / Под ред. проф. А.Г. Филиппова. – М.: Юриспруденция, 2000.-С. 142.

<sup>8</sup> Вандышев В.В. Уголовный процесс. Конспект лекций. / В.В. Вандышев. - СПб.: Питер, 2002. - С.

Юзлаштириш тергов ҳаракатига оид процессуал қоидалар бугунги кунга қадар бир қатор босқичларни босиб ўтган. Тарихий манбаларда ва бир қатор юридик адабиётларда дастлаб мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ишларини юритиш одат ҳуқуқи ва шариат нормалари асосида<sup>36</sup> амалга оширилганлиги бўйича маълумотлар мавжуд<sup>37</sup>.

Одат ҳуқуқи зардўштийлик динининг асосий манбаси бўлган «Авесто» китоби<sup>38</sup> асосида тартибга солинган ва эрамизнинг VII–VIII асрига қадар амалда бўлган.

«Авесто»да белгиланган одат ҳуқуқи нормаларига кўра: «далил сифатида судда айбдорнинг ўз айбини бўйнига олиш, гувоҳларнинг кўрсатувлари, қасам ичиш кабилар тан олинган<sup>39</sup>. Суд жараёнида олов, қиздирилган темирни босиш, эритилган кўрғошинни кўкракка қўйиш каби турли қийноқлар қўлланилган»<sup>40</sup>.

Шариат нормалари эса мусулмон ҳуқуқига асосланган бўлиб, тўртта манба асосида (Қуръони Карим, Ҳадислар, Ижмо ва Қиёс) тартибга солинган<sup>41</sup>. Давлатда суд ишлари қозилар томонидан олиб борилган бўлиб, ҳарбий ишларни эса қози аскар – ҳарбий қозилар кўриб чиққан<sup>42</sup> ва бу даврларда тергов ҳаракати ёки дастлабки тергов деган тушунчалар мавжуд бўлмасдан<sup>43</sup>, олий суд ҳокимиятининг иш юритуви хон ва амирнинг қатъий назоратида бўлган<sup>44</sup>.

Давлат ва ҳуқуқ тарихига оид юридик манбаларнинг таҳлили юртимиз ҳудудида бўлган айрим давлат органларида жиноят ва жазо масалалари одат ва шариат нормаларидан ташқари, қонун номи билан ёки унга

<sup>9</sup> Муродов Б.Б., Дўстмуродов У.И. Жиноят ишини тугатиш асосларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 25-26.

<sup>10</sup> «Авесто»нинг ўзбек тилидаги таржимасида «Вандидод». Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқад Маҳкам таржимаси. – Тошкент: «Шарқ», 2001. – 106-б.; Раҳмонов А. Шариатда инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ–Право–Law. – Т., 1999. – № 3. – Б. 79.

<sup>11</sup> Раҳмонов Р.И. «Авеста» – великий историко-правовой источник // Проблемы современной науки и образования. 2013. – № 2 (16). С. 132-133.

<sup>12</sup> Мўминов М.Э. Жиноят процессида далилларни расмийлаштиришнинг процессуал шаклланиши (тарихий жиҳат) // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – 2010. – № 4. – Б. 77.

<sup>13</sup> Одилқориев Ҳ.Т., Азизов Н.П., Мадиримов Ҳ.Р. Давлат ва ҳуқуқ тарихи: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 24-б.

<sup>14</sup> Исхаков С.А. Мусулмон ҳуқуқи: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 41-51-б.

<sup>15</sup> Одилқориев Ҳ.Т., Азизов Н.П., Мадиримов Ҳ.Р. Давлат ва ҳуқуқ тарихи: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 119-б.

<sup>16</sup> Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Т., 1974. – С. 5.

<sup>17</sup> Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. – Т., 1967. – Б. 30.

тенглаштирилган тарзда қабул қилинган ҳуқуқ нормалари орқали ҳам тартибга солинганлигини кўрсатади.

Мусулмон ҳуқуқига оид адабиётларга назар соладиган бўлсак, республикамиз ҳудудидаги давлат органларида юзлаштириш тергов ҳаракати сифатида кенг қўлланилган бўлиб, унинг айрим томонлари ўша даврларда ҳам бўлганлиги, қозиларга аҳоли томонидан асосан мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш юзасидан қилинган шикоятлар бўйича томонларни юзлаштириш энг муҳим далил вазифасини ўтаганлиги бўйича маълумотлар борлигини кузатиш мумкин.

Албатта, ўша даврларда юзлаштириш орқали қарама-қаршиликларни бартараф этиш бўлган ҳолатлар бугунги кунда суд-тергов амалиётида ўтказилиб келинаётган юзлаштириш тергов ҳаракатига тўла мос келмасда, юқоридаги маълумотлар республикамиз ҳудудидаги давлат органларида юзлаштириш ҳаракати қозиларнинг амалиётида кузатилган деган хулосага келиш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳудуди чор Россияси бошқарувига ўтганидан кейин, жиноят судлов ишларини юритиш соҳасида бир қатор қонуний актлар қабул қилинган, бироқ ушбу ҳужжатларда судлар томонидан шариат ва одат нормаларининг қўлланилиши таъқиқланмаган<sup>45</sup>.

Кейинчалик 1922 йилда РСФСР Жиноят-процессуал кодекси<sup>46</sup>, 1926<sup>47</sup> ва 1929 йилларда<sup>48</sup> Ўзбекистон ССРнинг иккита Жиноят-процессуал кодекси каби кодификациялаштирилган қонунлар қабул қилинган бўлсада, ушбу процессуал ҳужжатларда юзлаштириш ҳаракати тергов ҳаракати сифатида белгиланган. Хаттоки, юзлаштириш ҳаракати тергов ҳаракати сифатида 1864 йилдаги «Суд ишларини юритиш устави»да<sup>49</sup> ҳам белгиланганлигини кўриш мумкин. Чунки ўша даврларда ҳам суд-тергов амалиётида юзлаштириш ҳаракатини ўтказишга зарурат бўлган, аммо амалиётчилар уни сўроқ тергов ҳаракатининг таркибида ўтказиб келишган.

Айнан ушбу процессуал қоидалар суд-тергов амалиётида юзлаштириш ҳаракатининг 1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖПК<sup>50</sup> қабул қилинишидан ҳам илгарироқ мавжуд бўлганлигини аммо амалиётчилар

<sup>18</sup> Чутбаев М.Р. Дастлабки терговда шахс ҳуқуқларини чеклаш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ретроспектив таҳлили // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – 2011. – № 4. – Б. 85.

<sup>19</sup> Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР (от 25 мая 1922 года) // <http://docs.cntd.ru/document/901757376>.

<sup>20</sup> Уголовный процессуальный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд, 1927.

<sup>21</sup> Уголовный процессуальный кодекс Узбекской ССР. – Т: Узбекистан, 1929.

<sup>22</sup> Российское законодательство X–XX веков. Т.8. Судебная реформа. – М.: Юрид. лит., 1991. – С. 118-251.

<sup>23</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР. –Т. 1978. – С.80.

уни сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг таркибида ўтказиб келишганлигини тасдиқлайди.

Қайд этиш жоизки, юзлаштириш ҳаракатининг тергов ҳаракати мақомини олиши лозимлиги, исбот қилиш жараёнида уни ўтказишга зарурат сезилаётганлиги ва уни амалда жиноят-процессуал қонуни орқали тартибга солиш кераклиги бўйича 1959 йилга қадар ҳам криминалист ва процессуалист олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари амалга ошириб келинган.

Хусусан, 1961 йилда А.К.Давлетов томонидан “Дастлабки терговда юзлаштириш” номли номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган бўлиб, диссертант ушбу ишда юзлаштиришнинг алоҳида тергов ҳаракати сифатида мавжуд бўлиши лозимлигини ва унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат бўлишини асослашга уринган<sup>51</sup>. Кейинчалик юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш билан боғлиқ процессуал муаммоларни ўз илмий изланишларида А.В.Соловьев юзлаштиришни тергов ва судда ўтказиш<sup>52</sup> ва В.С.Максимов юзлаштиришнинг назарияси ва амалиёти масалаларини ёритган<sup>53</sup>.

Юзлаштириш тергов ҳаракатига оид илмий-тадқиқот ишлари ва бу бўйича илмий иш олиб борган олимларнинг ушбу тергов ҳаракатига оид процессуал қоидаларнинг ривожланиш босқичларини ўрганиб айтган фикрларининг таҳлилига кўра, аксарият адабиётларда ушбу тергов ҳаракати сўроқнинг бир тури сифатида тан олинади<sup>54</sup>. Ушбу манбалар юзлаштириш тергов ҳаракатини илк бор 1959 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилганлигини исботлашга уринади.

<sup>24</sup> Давлетов А.К. Очная ставка на предварительном следствии: дис. ... канд. юрид. наук. / А.К. Давлетов. – Л., 1961. – 340 с.; Давлетов А.К. Очная ставка на предварительном следствии. Автореферат дис.... канд. юрид. наук. /А.К. Давлетов. – Л., 1961. – 16 с.;

<sup>25</sup> Соловьев А.В. Очная ставка на следствии и в суде: дис. ... канд. юрид. наук. / А.В. Соловьев. – М., 1968. – 253 с.; Соловьев А.В. Очная ставка на следствии и в суде. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. / А.В. Соловьев. – М., 1968. – 17 с.

<sup>26</sup> Максимов В.С. Теория и практика очной ставки на предварительном и судебном следствии: дис. ... канд. юрид. наук. / В.С. Максимов. - Свердловск, 1975. – 201 с.; Максимов В.С. Теория и практика очной ставки на предварительном и судебном следствии. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. / В.С. Максимов. - Свердловск, 1975. – 21 с.

<sup>27</sup> Следственные действия [Электронный ресурс]: пособие / Ю.П. Шкаплеров, И.В. Данько; М-во внутр. дел Респ. Беларусь, учреждение образования «Могилевский институт Министерства внутренних дел Республики Беларусь». – Могилев: Могилев. институт МВД, 2017. – Режим доступа: [http://www.institutemvd.by/images/NIO/Sledstvennie\\_deistvia\\_Shkaplerov\\_Danko.pdf](http://www.institutemvd.by/images/NIO/Sledstvennie_deistvia_Shkaplerov_Danko.pdf).

Ҳолбуки, айрим адабиётларда юзлаштириш тергов ҳаракати процессуал ҳаракат сифатида сўроқ қилишнинг<sup>55</sup> таркибида амалга оширилганлиги бўйича фикрлар кузатилса, айримларида эса ушбу ҳаракат алоҳида тергов ҳаракати сифатида амалга оширилганлигини кўрсатади<sup>56</sup>.

Юзлаштириш тергов ҳаракати процессуал ҳаракат сифатида сўроқ қилишнинг таркибида бўлганлигини тасдиқловчи фикр М.С.Строгович томонидан илгари сурилган бўлиб, у юзлаштириш тергов ҳаракатини сўроқнинг бир шакли сифатида ажратишни таъкидлаган<sup>57</sup>.

Ушбу фикрлар юзлаштиришнинг ривожланиш тенденциялари сўроқ қилиш тергов ҳаракатидан бошланади ва бу процессуал ҳаракат сўроқ қилишнинг бир тури сифатида исботлаш жараёнида фойдаланиб келинган ҳамда кейинчалик унинг мақсади, ҳал этиши лозим бўлган вазифалари доираси кенгайганидан сўнг қонун чиқарувчи томонидан алоҳида тергов ҳаракатига ажратилган деган фикрни қўллаб-қувватлашга имкон беради.

Таъкидлаш жоизки, 1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖПКда юзлаштириш тергов ҳаракати мақомида белгиланган бўлсада, унга алоҳида боб ажратилмаганлиги ва бошқа тергов ҳаракатлари билан битта бобга жойлаштирилганлиги суд-тергов амалиётида уни фаолроқ қўлланиши имконини пасайтирган.

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда назарда тутилган юзлаштиришнинг дастлабки тергов босқичида процессуал тартибга солинишини 1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖПК билан таққослаб ўрганиш айрим умумий ва алоҳида ҳолатларни қайд этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЖПКда 1959 йилги Жиноят-процессуал кодексидан фарқли ўлароқ, юзлаштириш тергов ҳаракати алоҳида бобга ажратилиб, уни ўтказиш асослари ва тартиби қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13-бобидаги 122-124-моддалар юзлаштиришнинг тергов ҳаракатига бағишланган.

1994 йилги ЖПКнинг қабул қилиниши юзлаштириш тергов ҳаракатининг мустақил тергов ҳаракати сифатидаги мақомини янада

<sup>28</sup> Гуцина К.А. Историко-правовой аспект развития предъявления для опознания // Молодой ученый. — 2019. — №36. — С. 88-91. — URL <https://moluch.ru/archive/274/60697/> (дата обращения: 29.12.2019).

<sup>29</sup> Михайлов А.Е. Предъявление для опознания: Уголовно-процессуальный и криминалистический аспекты: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.dslib.net/kriminal-process/predjavlenie-dlja-opoznaniya-ugolovno-processualnyj-i-kriminalisticheskij-aspekty.html> (дата обращения: 24.12.2019).

<sup>30</sup> Строгович М.С. Уголовный процесс / М. С. Строгович. — М.: Госюриздат, 1944. — С. 83-84.



мустаҳкамлади ҳамда унинг ўтказилиш асослари, исбот қилиш жараёнида ҳал этиши лозим бўлган вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Хусусан, ЖПКнинг 122-моддасида юзлаштириш асослари келтирилган бўлиб, унга кўра:

“Юзлаштириш учун асослар. Юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда бу қарама-қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади.

Юзлаштиришда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилиниши мумкин”.

Юқорида келтирилган фикрлар ва амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жиноят процессида юзлаштириш тергов ҳаракатининг тарихий ривожланиш босқичлари шартли равишда қуйидагилардан иборат бўлган:

*Биринчи босқич*, Республикамиз ҳудудида илк давлат тузилмалари пайдо бўлган даврдан 1959 йилга қадар бўлган босқич бўлиб, ушбу даврда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатларда суд ишларини юритиш одат ва шариат нормалари асосида тартибга солинган ва юзлаштириш ҳаракати мустақил процессуал ҳаракат мақомига эга бўлган бўлмасада, у қозилар томонидан амалга ошириладиган сўроқнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлган.

*Иккинчи босқич*, 1959 йилдан 1994 йилга қадар бўлган даврни ўз ичига олган бўлиб, юзлаштириш мустақил тергов ҳаракати сифатида 1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖПКда 139-моддасида тартибга солинган ва унга алоҳида боб ажратилмасдан таниб олиш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатлари билан битта бобга жойлаштирилган;

*Учинчи босқич*, 1994 йилдан кейинги даврни ўз ичига олган бўлиб, бу давр Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси билан боғлиқ.

Энг муҳими, мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигида юзлаштириш алоҳида тергов ҳаракати сифатида ажратилиб, уни ўтказиш учун асослар ва унинг объектлари сезиларли даражада кенгайтирилган.

Бу эса юзлаштириш тергов ҳаракатининг процессуал мустақиллигини таъминлаш билан бир қаторда унинг аниқроқ тартибга солинишига ва суд-тергов амалиётида кенгроқ қўлланилишига хизмат қилган.

Хулоса сифатида шуни айтиб ўтиш мумкинки, юзлаштириш тергов ҳаракатига оид процессуал қоидаларнинг ривожланиш босқичлари бардавом бўлиши - ушбу тергов ҳаракатини ўтказишнинг такомиллашишига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил

28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 14-мақсадида белгиланган “жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш” бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини янада ошишига ҳисса қўшади.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада исботлаш ҳолатлари бўйича амалга ошириладиган тергов ҳаракати сифатида юзлаштиришнинг процессуал – ҳуқуқий таҳлили, шунингдек, ушбу тергов ҳаракатининг моҳияти, вужудга келиш омиллари, ривожланиш босқичлари ҳамда амалдаги ҳолати таҳлил қилинган.

\*\*\*\*\*

В статье проанализирован процессуально-правовой анализ очной ставки в качестве следственного действия по фактам доказывания, а также суть, факторы возникновения, этапы развития и фактическое состояние этого следственного действия.

\*\*\*\*\*

The article analyzes the procedural and legal analysis of the confrontation as an investigative action on the facts of evidence, as well as the essence, factors of occurrence, stages of development and the actual state of this investigative action.

**Кенжабай БЕЙСЕНОВ,**  
*Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети*  
*Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, подполковник*

## **ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИДА ТАРБИЯ КОЛОНИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ**

*Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот,  
ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат,  
ё фалокат масаласидир.*  
**Абдулла АВЛОНИЙ**

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташлари учун қонунда тарбия колонияси назарда тутилган. Қонунчилигимизда «тарбия» терминига урғу берилиши бежиз эмас, чунки тарбия колонияларида жазони ижро этиш колонияларига қараганда маҳкумларга психологик-педагогик ва тарбиявий таъсир кўрсатишнинг турли шакллари ва методлари кўпроқ ишлаб чиқилган ва ушбу методларни амалиётда кўпроқ қўллаш талаб этилади. Бунда маҳкумларни-ёши, индивидуал хусусиятлари, психологик ва жисмоний ривожланиш ҳолатлари албатта эътиборга олинади.

Жазони ижро этиш тизимида тарбия колониялари фаолиятига тўхталишдан олдин, куйидаги тушунчаларга таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. **Тарбия** – шахсда муайян жисмоний, рухий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси. Тарбия инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилик жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади.

Педагогик адабиётларда «тарбия» атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода тарбия инсон шахсини шакллантиришга, унинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда тарбия фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, телевидениени ҳам ўз

ичига олади. Шунингдек, кенг маънодаги тарбия тушунчаси ичига таълим ва маълумот олиш ҳам киради.

Тор маънода тарбия шахснинг жисмоний ривожиди, дунёқараши, маънавий ахлоқий қиёфаси, эстетик диди ўстирилишига йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Буни оила ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари амалга оширади. Таълим ва маълумот олиш тор маънодаги тарбия ичига кирмайди. Лекин ҳар қандай тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг фақат билими кўпайибгина қолмай, балки ахлоқий маънавий сифатлари қарор топиши ҳам тезлашади<sup>58</sup>.

Жазони ижро этиш тизимида вояга етмаганларга нисбатан жазони ўташ жойларини тарихи ҳақида тўхталадиган бўлсак, ўтган асрнинг бошларигача бу масалага жиддий эътибор берилмаган.

Масалан: 1909 йилгача Россия турма қонунчилигида 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган вояга етмаганлар катта ёшдагилар билан биргаликда сақланиб келган.

Туркистонда биринчи вояга етмаган маҳкумларни тарбиялаш учун мўлжалланган тиббий таълим муассасалари фақат 1921 йилга келиб Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги томонидан 1921 йил 29-майда тасдиқланган «Вояга етмаган озодликдан маҳрум этилганлар учун мўлжалланган Тошкент меҳнат уйи (Реформаториумлар) тўғрисида» ги Низом асосида ташкил этилган.

1955 йилга келиб собиқ Иттифоқда расман вояга етмаганлар учун тарбия меҳнат колониялари ташкил этилди ва унинг икки тури бўлиб: *умумий ва кучайтирилган тартибли турларга бўлинган*.

2003 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 125-моддаси 3 ва 4 қисмларига ўзгартиришлар киритилиб «умумий ва кучайтирилган тартиботли» деган сўзлар чиқариб ташланди. 2004 йилга келиб кучайтирилган тартибли тарбия колониялари тугатилди ва Республика бўйича битта тарбия колонияси қолди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17 моддаси 2 қисмига асосан жиноят содир этгунга қадар 14 ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда (қайси жиноятлар) қасдан одам ўлдирганликлари учунгина жавобгарликка тортиладилар деб кўрсатилган. (Вояга етмаган озодликдан маҳрум қилинган 6 ойдан 10 йилгача Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85 моддаси 1 қисми). Бир неча ҳукм юзасидан тайинланган жазо 15 йилдан ошмаслиги белгиланган. Демак тарбия колонияда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар ва муассаса

<sup>1</sup> Тарбия ҳақида — У ким, бу нима — QOMUS.INFO.

бошлигининг, прокурор томонидан тасдиқланган қарорига асосан қолдирилган (тарбия колонияларда жазони ўташ даврида салбий тавсифга эга бўлмаган) 21 ёшгача бўлган вояга етган маҳкумлар жазо муддатини ўтайдилар.

Тарбия колонияларида биринчи ўринда маҳкумларнинг тарбияси ва таълими уларни ҳалол яшашга тайёрлаш масалалари қўйилади. Вояга етмаганларга қарши курашишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда ҳуқуқбузар шахснинг хусусиятлари ва психологик жисмоний ҳолати ҳисобга олинади.

Психология фани шахс шаклланишининг икки босқичини ажратиб кўрсатади: Ўспиринлик яъни болаларнинг 11-12 ёшдан 15 ёшгача бўлган даври. Кичик ўрта ёш, яъни 15-18 ёш. 14-17 ёшдаги вояга етмаган – бу одатда умумий ўрта таълим ёки касб ҳунар мактабининг лицей коллеж ўқувчиси баъзан эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш саноатининг фаол иштирокчиси ҳамдир. Бу ёшда одам ўзининг илк мустақил қадамларини қўя бошлайди. Унинг табиати ҳали шаклланмаган бўлади. Психологик сифатлари ва хусусиятлари ҳали барқарор бўлмайди, қилмишлари ва хатти-ҳаракатлар шунчалик изчил эмаски, улардаги бирор истикболли хулқ-атворни кузатиш баъзан жуда қийин бўлади. Бундан ташқари уларнинг хулқ-атвор ва унинг оқибатлари ҳақидаги тасаввурлари шунчаки юзаки бўладикки улар жавобгарлик ҳақида чуқур ўйлаб ўтирмайдилар айнан шу ёшдаги даврда улар катталарга ўхшашга ҳаракат қиладилар.

Кичик ўрта ёш маънавий ва жисмоний кучнинг тез ривожланиб бориши билан тавсифланади. Бу одамни мустақил меҳнат ва ижтимоий ҳаётга лаёқатли қиладди. Одамларга ва ўзига қизиқиш уйғотади. Низолилик ва ҳиссиётга берилувчанлик яққол намоён бўлади. Бу ёрқин изтироблар, ҳиссиётлар, ўртоқлик ва дўстлик ҳиссининг ривожланиш давридир.

Тарбия колонияларида: ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан; биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар.

Тузалиш йўлига ўтган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиладилар.

Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 87,9 фоизгача бўлган суммага озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида: йигирма тўрт марта қисқа муддатли ва саккиз марта узоқ муддатли учрашув; йигирма тўрт марта телефон орқали сўзлашув; ўн иккита посылка ёки йўқлов; ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эгалар.

Вояга етмаган маҳкумларга ота-онаси ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади.

Ўн саккиз ёшга тўлган ва тарбия колонияларида қолдирилган маҳкумларга вояга етмаган маҳкумлар учун белгиланган нормаларда овқат, уст-бош, моддий-маиший таъминот ва бошқа жазо ўташ шароитлари татбиқ этилади. Бу шахсларнинг меҳнат шароитлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади<sup>59</sup>.

Тарбия колонияларида маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 102-моддасида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари: муассаса ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш; қисқа муддатли учрашув ўрнига ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш; ҳибсхонада бўлиш муддатини қисқартириш ва ундан муддатидан илгари озод қилиш тариқасида рағбатлантирилишлари мумкин.

Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун тарбия колонияларида маҳкумларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 105-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари томошага боришдан бир марта маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин.

Тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ўн тўрт ёшдан ўн олтигача бўлган маҳкумларга етти суткагача, ўн олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга эса ўн суткагача бўлган муддатга қўлланилади.

Тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар, тарбия колонияларида қолдирилади.

Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан амалга оширилади.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Амалдаги қонун.



Маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади.

Жазо ўташни давом эттириш учун маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масалалари суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

Тарбия колонияда маҳкумларга таълим олишлари учун синф хоналари, ўқув қўлланмалари, амалий машғулотлар ўтказиш учун шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 318-сон қарори асосан 2019-2020 ўқув йилида тарбия колонияси қошида Зангиота тумани Халқ таълими бошқармасига қарашли 35-сонли мактабнинг филиали иш бошлаган. Мактабда 14 нафар олий тоифали ўқитувчилар дарс бериб келишмоқда. Хар ўқув йили якунида 11-синфни тугатган тарбияланувчиларга аттестатлар бериладиган бўлди. Жумладан, 2019 йилнинг феврал ойидан бошлаб Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 24-сонли вояга етмаганлар тарбия колониясида 8 та йўналишда фан ва чет тилларини ўргатиш бўйича тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилиб, 97 нафар вояга етмаганлар қамраб олинган.

Шунингдек, 2020 йилнинг 20 февралдаги “Ёшлар пресс-клуби”нинг навбатдаги “Янги Ўзбекистонни – ёшлар билан бирга қурамиз” шиори остидаги сессияси ташкил этилиб унда ички ишлар органлари жазони ижро этиш тизими фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларга бағишланган очик мулоқотда 500 нафардан ортиқ талаба жазони ижро этиш муассасаларида ўз қилмишига яраша қонунда белгиланган жазосини ўтаётганлиги айтиб ўтилган. Уларни масофадан туриб ўқитиш бўйича Ички ишлар, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамкорлигида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси тайёрланмоқда. Унда Жазони ижро этишига қадар талаба бўлган шахслар учун онлайн тарзда таълим олишини давом эттириши кўзда тутилмоқда. Маҳкумлар зарур адабиётлар билан таъминланадиган бўлади. Лекин таҳсилни давом эттирган маҳкумлар битирув имтиҳонларини жазо

муддатини ўтаб бўлганидан сўнг таълим олган олийгоҳига бориб топшириб, дипломини олиши мумкин бўлади<sup>60</sup>.

Хулоса ўрнида Ўзбекистон Республикасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Шу ўринда тарбия колонияларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан узлуксиз тарбиявий-профилактик ишларни кучайтиришимиз керак. Шунингдек, жазо муддатини ўтаётган фаол маҳкумларнинг ташаббусларидан унумли фойдаланишимиз керак.

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада жазони ижро этиш тизимида тарбия колониялари фаолиятининг ўзига хослиги бўйича илмий асосланган ҳамда таклиф ва тавсиялар берилган.

\*\*\*\*\*

В данной статье представлены научно обоснованные предложения и рекомендации по проблеме безопасности детей на дорогах.

\*\*\*\*\*

This article presents scientifically based proposals and recommendations on the problem of children's road safety.

---

<sup>3</sup> <https://darakchi.uz/> 2020 йилнинг 20 февралдаги “Ёшлар пресс-клуби”нинг навбатдаги “Янги Ўзбекистонни – ёшлар билан бирга қурамыз” шиори остидаги сессияси.

*Илмий ахборот*

**Шерзод УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
*Малака ошириш институти Махсус фанлар цикли  
ўқитувчиси, майор*

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

Маълумки, инсоният тамаддунининг тараққий этишида бир неча омиллар сабаб бўлади. Булар қаторида тинчлик ва барқарорлик аввалги ўринларни эгаллайди. XXI аср бошида жаҳондаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик ҳамда инсоният тақдири, унинг тараққиёти, равнақига таҳдид солаётган экстремизм, терроризм барча давлатлар, миллатлар бир ёқадан бош чиқариб курашиши зарур бўлган иллатга айланмоқда. Бузғунчи ғояларга асосланган халқаро терроризм ва экстремизм, унинг ҳар қандай кўриниши кишилиқ жамиятининг ўтмишида ҳам, бугунида ҳам бутун халқлар бошига оғир кулфатлар ёғдирган. Ҳар йили унинг тажовузидан 100 мингдан ортиқ бегуноҳ кишилар қурбон бўлмоқда, жамият ривожланиши, айрим давлатлар, минтақалар ва инсоният цивилизациясининг тараққиётига жиддий таҳдид солмоқда ва мудҳиш оқибатлар келтириб чиқармоқда.

“Экстремизм” тушунчаси муқаддас динимизнинг илоҳий китоби Қуръони Карим оятлари ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларида келган “гулув”, “туғён”, “ҳаддан ошиш” каби маънони англатиб, динимиз таълимотида уларнинг барчаси қораланган ва мусулмонлар бундай амаллардан қайтарилган<sup>61</sup>.

Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида ушбу таҳдидларни олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда<sup>62</sup>.

---

<sup>1</sup> Муҳаммадяхё Эминов. Экстремизм ва терроризм – инсоният душмани. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси расмий веб сайти [muslim.uz](http://muslim.uz)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги. // Халқ сўзи. 2018 йил 13 январь.

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи давлат ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот органлари олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилганидан кейин ўзининг олдида бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйди.

Мустақиллигимиз шарофати билан биз мустабид ва мафкуралашган тузум кишанларидан озод бўлдик. Ўзбек халқи ўз юртида бошини баланд кўтариб юришга, ўз маданияти ва анъаналарини кадр-қимматини, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди.

Мустақиллик ва суверенитет жаҳон ҳамжамиятига кириб боришимизга, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишимизга имкон яратди. Айниқса, миллий урф-одатларимиз қайта тикланди, халқимиз орасида динга эътиқод қилишга кенг йўл очилди. Зеро, дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаши, миллий қадрият ва анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»<sup>63</sup>, деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунида ҳам бу ўз ифодасини топган<sup>64</sup>.

Минг афсуски, ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатлари терроризм ва экстремизм балосидан азият чекмоқдалар. Бугунги кунга қадар содир этилган террорчилик ҳуружлари натижасида қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмдилар. Терроризм бутун дунё ҳамжамиятини ларзага солаётган энг даҳшатли ва чегара билмас жиноятдир. Бу каби жиноятлар республикамиз ҳудудида ҳам содир этилмоқда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023. <http://www.lex.uz>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни // <http://www.lex.uz>.

Ҳозирги пайтгача экстремизмнинг вужудга келиш сабаблари, унинг моҳияти, мақсади, салбий оқибатлари ҳамда унинг олдини олиш муаммолари борасида республикамиз ва чет эл олимлари томонидан бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган ва давом этмоқда.

Инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан то ҳозирга қадар кўплаб содир бўлаётган жиноятлар оламни дахшатга солмоқда. Бу жиноятлар турли ном ва атамалар билан номланади. Экстремизм ва терроризм ҳам улардан биридир. Экстремизм ва терроризм узоқ тарихга эга ҳодисалар бўлиб, уларнинг илдизлари инсониятнинг қадимги даврига бориб тақалади.

Аниқки, инсон ҳаётда динсиз, эътиқодсиз яшай олмайди. Зеро, сув ва ҳаво инсоннинг жисмоний эҳтиёжи бўлганидек, дин ва эътиқод унинг табиий-руҳий эҳтиёжидир. Бироқ дин соғлом асосда ўрганилмас, эътиқод тажрибадан ўтган, тарих синовидан ўтган ишончли манбага таянмас экан, ундан яхшилик ўрнига ёмонлик, хотиржамлик ўрнига изтироб, дунё ва охират саодати ўрнига бахтсизлик вужудга келади. Динга эътиқоддек ғоят бебаҳо туйғуни бузғунчилик, фасод ва кўпоровчилик каби иллатлар хизматига сарфламаслик зарурдир.

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаёти турли хавф-хатарлардан холи эмас. Жаҳон миқёсида экстремизм, халқаро терроризм, эгоцентризм, ватансизлик, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғоялар янги, XXI аср технологиялари билан қуролланган ҳолда тарғиб этиляпти, глобаллашиб борапти. Гарчи восита, шакл ва мақсадлар ўзгариб бораётган, турли номларда аталаётган бўлсада, уларнинг замирида ғаразли мақсадлар ётибди. Шунинг учун бошқаларнинг тинчини бузиш, барқарор тараққиётга ғов бўлишга йўналтирилган ҳамда миллий манфаатларга қарши қаратилган бундай ишларни вайронкор ишлар деб атасак ҳеч муболаға бўлмайди.

Хўш, мафкуравий-ғоявий ва информацион хуружлардан, терроризм ва экстремизмдан ҳимояланишнинг йўллари борми? Бор албатта, – бу аҳолининг ижтимоий-сиёсий саводхонлиги, фаоллигини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга нисбатан фуқароларда дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, шунингдек, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга асосланган мустаҳкам сиёсий, маънавий, маърифий, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кабилардир. Замонавий халқаро террор, экстремизм, айирмачилик ва нарқобизнеснинг фаолият кўлами кенгайиб бормоқда. Бундай кучлар мақсадга эришишнинг ўта қабих усул ва воситаларини ишга соляпти. Бу таҳдидларга ўзаро боғлиқ бўлган ҳодисалар сифатида қараш лозим. Чунки улар бир "томирдан озикланмоқда". Бу кучларнинг ортида турганлар эса ўз

режа ва хатти-ҳаракатларининг мувофиқлаштирилганини намоён этмоқда. Ачинарли томони шундаки, шундай ҳаракатлар содир этишга ёллаётган экстремистлар томонидан ёшларни динга ўргатиш баҳонасида, уларнинг онгларини «Ваҳҳобийлик», «Ҳизбут-таҳрир» каби норасмий экстремистик оқимларнинг ғоялари билан заҳарламоқдалар<sup>65</sup>.

Айтиш мумкинки, агар экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари халқаро террорнинг ғоявий ниқоби бўлса, нарқобизнес ва нарқотрафик, ҳеч шубҳасиз, халқаро террорнинг молиявий таянчидир<sup>66</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда бутун дунё муаммосига айланган экстремизм жамият хавфсизлигига, барқарорликка, олиб борилаётган ислоҳотларга, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва бошқа конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига ҳеч қачон бугунгидек катта хавф туғдирмаган. Жамиятда тинчлик ва хавфсизликка, бошқарув тартибига, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятларнинг сабаблар мажмуасида экстремизм асосий ҳалқалардан бири бўлиб қолмоқда<sup>67</sup>.

Маълумки, террорчилик экстремизмга сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун, ҳокимиятни ўз қўлига олиш учун қўл келади. Шу боис экстремистлар жиноятчиликнинг энг жирканч шакллари билан – терроризмдан, шу жумладан халқаро терроризмдан ҳам фойдаланадилар<sup>68</sup>. Илмий кузатишлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда экстремистик ташкилот ва оқимлар ўз мақсадларига эришиш учун асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жон – жаҳди билан ҳеч қандай маблағларни аямасдан ҳаракат қилмоқдалар.

Мураккаб замонда яшамоқдамиз. Сўнгги пайтларда бутун дунё мамлакатларини экстремизм ташвишга солиб келмоқда. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилиқ ва можаролар, террорчилик хуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда.

<sup>5</sup> Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: 2000. – Б. 47.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: Ўзбекистон, 2000, 4-б.

<sup>7</sup> Исмаилов И., Мамадалиев У. Диний экстремизм ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислам университетининг Илмий-таҳлилий ахбороти. 2003 йил. 4-сон. – Б. 50-53.

<sup>8</sup> Қодиров А. Диний экстремизм - сиёсий ҳодиса. Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари: Илмий – амалий анжуман материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. – Б. 9.



Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 16 сентябрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисидаги Хавфсизлик соҳасидаги самарали ҳамкорлик Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади янги реаллик шароитида мамлакатларимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришни мустаҳкамлаш долзарб масала ҳисобланади.

Мамлакатларимиздаги вазиятларни тўғри баҳолаш ва бугунги воқеликни ҳисобга олган ҳолда мажмуавий қарорлар қабул қилиш учун Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгашининг йиллик сайёр йиғилишлари амалиётини йўлга қўйиш муҳимдир.

Радикализмнинг ўсиб бориши хафли тенденцияга айланмоқда ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ деб таъкидлаб ўтган<sup>69</sup>.

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, Президент Ш.М.Мирзиёев Янги йил байрами муносабати билан халққа йўллаган байрам табригида “2024-йил Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди. Бу йилнинг бундай деб номланиши барча соҳаларда ҳам фаолият юритаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга яратилаётган кенг имкониятлар эшиги десак, муболаға бўлмайди<sup>70</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармонида мувофиқ олтинчи устувор йўналиши **миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашишда 82-мақсадида Экстремизм ва**

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 16 сентябрда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи., Халқ сўзи. 2022 йил 22 сентябрь.

<sup>10</sup> Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida 2024 yilda ta'lim, sog'liqni saqlash, raqamlashtirish, madaniyat va sport sohalarida amalga oshirilishi lozim bo'lgan ustuvor vazifalar yuzasidan videoselektoridagi nutqi [https://t.me/Press\\_Secretary\\_Uz/3770](https://t.me/Press_Secretary_Uz/3770).

**терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш бўйича<sup>71</sup>:**

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга ошириш;

Экстремизм ва терроризмни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёт ғоялар таъсирини олдини олиш ва уларнинг таъсирига тушиб қолганлар билан тизимли ишлаш орқали уларнинг муаммоларини бартараф этиш;

Аҳоли, айниқса ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафқурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетини шакллантириш;

Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш;

Дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжихатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш мақсадида вазифалар белгиланган.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган бу фармон ички ишлар органлари тизимида туб ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ёрдам кўрсатадиган, унинг ҳар бир ходими *«Халқ манфаатларига хизмат қилиш»*ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш ишлари бошланди<sup>72</sup>.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш борасидаги чоратадбирларнинг аниқ манзилга йўналтириш ва уларга комплекс ёндашиш, идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш, борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда, бошқа давлат органлари ва жамоат

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони // URL:<http://www.lex.uz>.

<sup>72</sup> Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир// Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – 2018 йил 7 дек. [www.uz.uz](http://www.uz.uz).

ташкilotларининг ҳам устувор вазифаси этиб белгиланиши бу борада уларнинг олдига алоҳида вазифалар белгилаб берилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасида самарали натижаларга эришишга имкон берди.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, бугунги кунда Яқин Шарқ мамлакатлари ёки қўшни Афғонистон, Сурия, Ироқ, Украина, Фаластин ва Исроил мамлакатларида содир бўлаётган қонли урушлар, қирғинбаротларни кўриб хулоса чиқарган ҳолда яшашимиз, мана шу буюк заминимизни ҳар қандай ташқи кучлардан асрашга доимо тайёр туришимиз, тинч осойишта ҳаётимизни қадрига етиб яшашимиз лозимлигини кўрсатиб турибди. Фуқароларимизни, айниқса ёшлар ва вояга етмаганларни турли ёд ғоялар, тубан “Оммавий маданият хуруж”ларидан асраш, айниқса уларнинг энг хавфлиси бўлган экстремистик ғоялар таъсиридан асраш ўта муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

## РЕЗЮМЕ

Янги Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, терроризм, экстремизм, оммавий маданият ҳамда ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги – ички ишлар органлари олдига ўз вақтида ушбу таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифалар қилиб белгиланган.

\*\*\*\*\*

Повышение правосознания и правовой культуры граждан в новом Узбекистане, усиление распространения терроризма, экстремизма, массовой культуры и иностранных идей ставят перед органами внутренних дел новые задачи по своевременному предотвращению и устранению этих угроз.

\*\*\*\*\*

Increasing the legal awareness and legal culture of citizens in the new Uzbekistan, the increasing spread of terrorism, extremism, mass culture, and foreign ideas, new tasks for the internal affairs bodies to prevent and eliminate these threats in a timely manner.

**Алишер УСМАНОВ,**  
*Начальник Цикла физической подготовки Института повышения  
квалификации, полковник*

## **ОПТИМИЗАЦИЯ СОДЕРЖАНИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ СОТРУДНИКОВ РАЗЛИЧНЫХ СЛУЖБ ОВД**

Сотрудники органов внутренних дел (далее - ОВД), выполняя задачи по защите жизни, здоровья, чести, достоинства, прав, свобод и законных интересов граждан, интересов общества и государства от преступных и иных противоправных посягательств, наряду со специальными средствами, оружием, боевой и специальной техникой, применяют физическую силу, в том числе боевые приемы борьбы. При этом законодатель, учитывая момент применения в отношении граждан насильственных действий, обязывает сотрудников во всех случаях, когда избежать применения физической силы не представилось возможным, стремиться причинить наименьший вред жизни, здоровью, чести, достоинству и имуществу граждан. Особую значимость приобретает требование о соразмерности степени тяжести противоправного деяния задерживаемого лица и величины нанесенного в ходе задержания этому лицу ущерба. Для решения указанной проблемы необходимо применение только системно-комплексного подхода к обеспечению профессиональной подготовленности сотрудника с учетом специфики службы<sup>73</sup>.

При выполнении служебных обязанностей сотрудник действует от имени государства, имеет право применять принудительные санкции к нарушителям общественного порядка, что не исключает возникновение конфликтных ситуаций с гражданами. Деятельность сотрудника ОВД осуществляется на фоне больших психических нагрузок и требует от него высокой профессиональной подготовленности и морально-волевых качеств. Значительная степень вероятности возникновения экстремальных ситуаций в ходе несения службы остро ставит вопрос о физической подготовленности каждого сотрудника органов внутренних дел. Примечательно, сотрудники в своей повседневной деятельности

<sup>1</sup> Об органах внутренних дел»: Закон Республики Узбекистан, от 16 сентября 2016 г, № ЗРУ- 407.

выполняют возложенные на них должностными обязанностями специфические задачи в характерных для каждой службы условиях. Большую роль играет экипировка, вооружение, наличие радиосвязи, время суток, окружающая обстановка, вероятность группового нападения, внезапного нападения и многое другое, что определяется содержанием профессиональной деятельности сотрудников различных служб. Поэтому указанные объективные обстоятельства будут предполагать различный уровень физической подготовленности представителей различных служб<sup>74</sup>.

Для обеспечения боеготовности сотрудников нормативно-правовыми актами предусмотрена организация деятельности по совершенствованию физической подготовки по двум направлениям: общефизической подготовке и владению боевыми приемами борьбы. Требования к уровню развития основных физических качеств сотрудников различных служб дифференцированы, а уровень владения боевыми приемами борьбы, предполагаемых для применения в различных условиях несения службы сотрудниками различных служб, определен для всех по общей тематике в одном объеме. Как следствие, указанное противоречие находит отражение в недифференцированном подходе к разработке учебных программ учреждений образования МВД, отвечающих за подготовку сотрудников по различным профессионально ориентированным специальностям системы правоохранительных органов. Исследования А.А. Волкова также показали, что применяемые в настоящее время программы профессионально-прикладной физической подготовки (ППФП) сотрудников ОВД (первоначальное обучение) практически не реализуют принцип дифференцированного подхода и предлагают лишь единообразную методику подготовки сотрудников без учета специфики служебной деятельности<sup>75</sup>.

На основании изложенного необходимо констатировать существующее противоречие между требованиями к компетенциям специалистов различных служб ОВД и педагогическими условиями по их

---

<sup>2</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию порядка работы с кадрами органов внутренних дел и организации их службы» ПП №3413 от 29 ноября 2017 г.

<sup>3</sup> Воронович Ю. В., Костюкович, В. Е. Профессионально-прикладная физическая подготовка. «Правовое обеспечение общественной безопасности», «Правовое обеспечение оперативно-розыскной деятельности», Могилев. - 2014 - 104 с.

подготовке, что требует получения научно обоснованного результата по определению оптимального уровня содержания и объема требований по владению боевыми приемами борьбы для сотрудников различных служб ОВД, осуществляющих несение службы и в соответствии со своими должностными обязанностями, и в ходе обеспечения охраны правопорядка при задействовании в различных мероприятиях.

В современных условиях процесс физической подготовки рассматривается специалистами с позиции содержательных и организационно-методических компонентов, связанных с функционально-специфической сущностью их служебной деятельности. При этом за основу берется профессиографический аспект с выявлением как общих, так и специфических требований к уровню развития физической, тактико-технической, морально-психологической и правовой подготовки сотрудников ОВД, позволяющий оптимизировать требования по уровню владения БПБ сотрудниками различных служб, что несомненно приведет к улучшению качества подготовки работников.

Используя профессиографирование как интегральный метод изучения служебной деятельности определены особенности предстоящей служебной деятельности с последующей разработкой оптимальных педагогических технологий для их реализации в учебном процессе по подготовке экспертов-криминалистов (С.Н.Баркалов), сотрудников дежурных частей (Е.А. Киселева), специалистов для подразделений безопасности дорожного движения (А.Ф. Калашников), сотрудников уголовного розыска (Н.В. Ческидов), следователей (Р.Т. Раевский, Г.А. Ямалетдинова), патрульно-постовой службы (далее - ППС) (С.В. Непомнящий)<sup>76</sup>.

Несмотря на прохождение службы в различных подразделениях ОВД, сотрудники нередко выполняет общую поставленную задачу и принимают участие в совместных мероприятиях, в которых не исключены ситуации с необходимостью применения физической силы. При этом все задействованные в мероприятиях сотрудники имеют, как правило, одинаковую форму, экипировку и вооружение. К таким совместным мероприятиям относятся: деятельность следственно-оперативной группы

---

<sup>4</sup> Полянский В. П. Профессиографирование служебной деятельности сотрудников ОВД для целей служебно-боевой подготовки : метод.рекомендации / В. П. Полянский, С. Н. Баркалов. - Орел : ОрЮИ МВД РФ, 2005 - 35 с.



на месте преступления, задействование личного состава ОВД в массированной отработке территории в условиях осложнения криминогенной обстановки, в ходе усиленного варианта несения службы, участие в обеспечении общественного правопорядка при проведении массовых мероприятий, при введении определенных специальных планов. Вероятность агрессивных действий со стороны правонарушителей в отношении любого сотрудника участника мероприятия практически равнозначна. Поэтому можно определить следующие общие требования к каждому сотруднику ОВД: наличие двигательных умений и навыков проведения защитных действий от наиболее типичных нападений с использованием ударов, захватов, обхватов, выполнение эффективных действий по предотвращению завладения посторонними лицами табельного оружия, спецсредствами. При этом следует учитывать необходимость выполнения действий в любое время суток, в различной сезонной одежде, в защитной экипировке, с использованием специальных средств<sup>77</sup>.

Исходя из организации современной деятельности ОВД, целесообразно выделить в зависимости от ключевого содержания служб, следующие направления профессионально-ориентированных программ по владению боевых приемов борьбы: оперативный блок, сотрудники общественной безопасности по профилактике, сотрудники по обеспечению охраны правопорядка в лице строевых подразделений ППС, БДД, МООН, сотрудники оперативно-дежурных служб, системы исполнения наказаний, (группы задержания, охраны зданий, вспомогательные службы), другие службы и подразделения.

Для сотрудников уголовного розыска и борьбы с терроризмом ОВД Законом Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» определено, что эта деятельность, осуществляемая гласно и негласно уполномоченными лицами в пределах их компетенции, реализуется путем проведения оперативно-розыскных мероприятий в целях защиты жизни, здоровья, прав и свобод личности, собственности, обеспечения безопасности общества и государства от преступных

<sup>5</sup> Волков А. А. Педагогические условия формирования профессионально-прикладной физической подготовки сотрудников ОВД: автореф. дис. канд. пед. наук /А. А. Волков. - Тула, 1999 - 25 с.

посягательств. Согласно этому законодательному акту специфическими признаками оперативно-розыскной деятельности являются: государственно-правовой характер; осуществление при помощи свойственных только ей средств и методов, имеющих организационно и тактически упорядоченную форму оперативно-розыскных мероприятий; структурно-организационное обособление от иных служб за счет специального круга субъектов, уполномоченных ее осуществлять; принцип конспирации. Основными задачами оперативников ОВД являются: предупреждение, пресечение и раскрытие преступлений, по делам о которых обязательно проводится производство предварительного следствия, а также организация и осуществление розыска лиц, скрывающихся от органов дознания, следствия и суда, уклоняющихся от исполнения уголовного наказания, без вести пропавших и иных лиц в случаях, предусмотренных законодательством<sup>78</sup>.

При выполнении оперативно-служебных задач сотрудники оперативных подразделений осуществляют деятельность, как правило, в гражданской форме одежды в одиночку с соблюдением мер конспирации без идентификации себя как сотрудника, что нередко способствует совершению в отношении их агрессивных действий со стороны подготовленных как в физическом, так и в технико-тактическом плане правонарушителей. При этом не всегда имеются возможности ношения табельного оружия, спецсредств. Деятельность специалистов осуществляется в самых разнообразных условиях: помещениях, открытом пространстве, транспорте и т. д.

Нападения на сотрудников характерны внезапностью, скрытностью атакующих действий с использованием огнестрельного, холодного оружия, специально приспособленных и подручных средств. Существует большая вероятность необходимости обучения ведению действий при групповом нападении, а также выполнению иницирующих атакующих тактико-технических действий для задержания лица.

Поэтому раздел боевых приемов борьбы для сотрудников оперативных подразделений в обязательном порядке должен обеспечить

---

<sup>6</sup> Дворник Г. М. Формирование профессионально-прикладных навыков самозащиты без оружия на основе метода моделирования динамических ситуаций : автореф. дис. ... канд. пед. наук : 13.00.04 / Г. М. Дворник; Белорус. гос. ин-т физ. культуры. -Минск, 1987.

наличие у них двигательных навыков по выполнению защитно-атакующих комбинаций от внезапных нападений, от нападения группы лиц с использованием оружия и различных предметов. Особое внимание следует уделить формированию и развитию оперативно-ситуационного мышления, способности прогнозирования хода экстремальной ситуации. Целесообразно в обучение включать вопросы по использованию в различных ситуациях подручных предметов.

Сотрудники подразделений, осуществляющие профилактическую деятельность, составляют службы профилактики, разрешительной системы, исполнения наказаний. Как правило, на эти службы возлагаются обязанности по сдерживанию административных правонарушений, недопущения перерастания в более тяжкую уголовную ответственность. Сотрудники во время несения службы одеты в сезонную форменную одежду, имеют при себе табельное оружие, спецсредства, и средства связи. Как правило, осуществляют исполнение служебных обязанностей в одиночку, но имеют возможность по радиостанции запросить помощь. Деятельность осуществляется при непосредственном контакте с гражданами в условиях высоких психоэмоциональных и физических перегрузок на фоне значительной продолжительности и ненормированности рабочего дня. Для службы характерны чередования многочисленных направлений деятельности, что требует наличия способностей на фоне усталости быстрой адаптации в изменяющейся обстановке. В работе сотрудников имеется значительная доля вероятности проявления в отношении их агрессии со стороны профилактируемого лица. С учетом условий несения службы на ограниченном пространстве, в условиях недостаточной освещенности, принимая внимание различные варианты явных и скрытых, внезапных нападений, в целях избегания завладения правонарушителями табельного оружия и спецсредствами сотрудники в совершенстве должны владеть техникой применения защитных и сдерживающих действий. Для обеспечения выполнения профилактических задач в работе с гражданами в современных условиях правового поля наряду с формированием и совершенствованием навыков применения боевых приемов борьбы имеется равнозначная необходимость развития оперативно-ситуационного и правового мышления.

Содержание программы подготовки по боевым приемам борьбы сотрудников, осуществляющих профилактическую деятельность, должно предусматривать обучение умениям выполнять задержание лица после эффективной защиты от стандартных нападений любых категорий правонарушителей в различных ситуациях в помещении, на улице, в условиях ограниченного пространства. Особое внимание следует уделить специфике применения БПБ при задержании лиц в состояниях алкогольного и наркотического опьянения, имеющих значительно сниженный порог болевой чувствительности.

Характерными особенностями несения службы сотрудниками по обеспечению охраны правопорядка, обеспечивающих стабилизационные процессы уличной преступности с использованием сил и средств патрульно-постовой службы, является выполнение должностных обязанностей в любое время суток, в любых погодных условиях. Сотрудники всегда экипированы, вооружены, имеют в наличии спецсредства и средства бронезащиты. Наличие автотранспорта и устойчивой цифровой радиосвязи создает должные условия по оперативному взаимодействию и возможности оказания помощи. Как правило, работают в составе патрульного наряда, включающего 2-3 сотрудника. Одним из важных условий заступления на службу является всестороннее владение оперативной обстановкой, знание обслуживаемой территории и ее особенностей. Значительное тактическое и психологическое преимущество призвано обеспечить наличие у сотрудника видеорегистратора, информация с которого может использоваться для доказательной базы противоправных действий задержанного лица. Учитывая прерогативное направление деятельности сотрудников ППС по деалкоголизации населения, наряду с умением проведения защитно-атакующих действий от нападений представители строевых подразделений обязаны умело владеть спецсредствами в целях задержания лица, обеспечения личной безопасности посредством применения средств сковывания, проведения наружного осмотра. Особую специфику задержания лица в состоянии опьянения придает значительно сниженный порог болевой чувствительности, являющийся результатом воздействия алкоголя и наркотических средств на организм

задерживаемого, что создает необходимость обучения сотрудников уверенному проведению удушающих приемов, различных удержаний.

Для профессиональной деятельности сотрудников службы дежурных частей ОВД характерен высокий ритм работы в условиях принятия, обработки и фиксации оперативной информации, практически постоянное наличие состояния выбора правильного принятия решения на различные ситуации, оперативное руководство силами и средствами в условиях быстроменяющейся оперативной обстановки.

В таких условиях, как показывает практика, сотрудники дежурных частей также вынуждены применять физическую силу и спецсредства. Характерными ситуациями являются захваты, обхваты, попытки завладения оружием и спецсредствами на ограниченном пространстве. Особую опасность представляют нападения с подручными предметами, оружием, специально приспособленными предметами, которые не были изъяты при проведении наружного осмотра.

Поэтому наиболее важными боевыми приемами борьбы для сотрудников дежурных частей будут навыки проведения защитно-атакующих действий на ограниченном пространстве на фоне сбивающих факторов, физического утомления, а также умения по оказанию помощи сотруднику, осуществлению взаимодействия.

